

# SAIGA NEWS



*Сайғоқни асраш бўйича альянс бюллетени*

**Экология ва сайғоқ муҳофазаси масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда нашр қилинади**



Самка сайгака монгольской популяции. © В. Вуувеibaатар

## МУНДАРИЖА

### Махсус мавзу

*Анна Луцкекина, Елена Бикова, Наталья Шивалдова* Россия ва чегарадош мамлакатлар кўриқлаш тизимининг 100-йиллигига

### Янгиликлар

*Энхтувшин Шилегдамба* Мўғул популяцияси сайфоқлари орасида PPR авж олишига жавобан WCS ҳаракатлари

*Буяна Чимеддорж* Сайфоқ ҳақидаги сага: мўғул нашри

*Муниб Ханьяри* Сага о сайгаке: монгольское издание

*Юрий Грачев* Қозоғистонда 2017 й. сайфоқларни авиаҳисобга олиш натижалари

*Салемгареев Альберт, Цутер Штеффен* 2016-2017 йй. бетпақдала ва урал

популяцияларининг кўзилаш жойларидаги сайфоқ мониторинги натижалари

*Жарболлова Данара и Суттибаев Мухит* Қозоғистонда сайфоқ шохлари савдосига қарши ахборот кампанияси

*Кривошеева Алёна* Хизмат итлари ҳайвонот дунёси объектларининг ноқонуний савдосига қарши

*Кривошеева Алёна* Қозоғистонда сайфоқнинг устурт популяциясини ўрганиш ва асраш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилинди

*Арылов Юрий и Кузьмичева Кристина* Сайфоқ куни – 2017

### Матбуотдан

### Мақолалар

*Б. Чимеддорж, Б. Бувейбатар* АМаида кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ўлатдан ялпи нобуд бўлиши натижасида мўғул сайфоқ популяциясининг ҳолатини таҳлил қилиш

*Ричард Кок* Сайфоқларда маида кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ўлати

*Шаопэн Цу и др.* Хитойда сайфоқнинг тарихи, қирилиши ва реинтродукция истиқболлари

*Владимир Терентьев, Марк Пестов* Атирау областида (Қозоғистон) Волга-Урал

популяцияси сайфоғининг кичик ҳудудий гуруҳини асраш тажрибаси

*Ирина Новак* Сайфоқ популяциясини тиклашда “халқаро институтлар”нинг роли

*Кирсти Симкин* ПЎзгаришлар назариясини Ўзбекистонда Сайфоқни асраш бўйича альянс ишидаги табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига таъсирини баҳолаш усули сифатида

текшириш

### Янги нашрлар

### Сайфоқни асраш – ҳаётларининг иши

*Буяна Чимеддорж*, Монголия

**Редакцион коллегия.** **Буюк британия:** проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [консультант-муҳаррир], Лондон Империял Коллежи ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); **Қозоғистон:** Ю. Грачев, проф. А. Бекенов, Институт зоологии ([teriologi@mail.ru](mailto:teriologi@mail.ru)), А. Кривошеева, ҚБСА ([alyona.krivosheyeva@acbk.kz](mailto:alyona.krivosheyeva@acbk.kz)); **Хитой:** Гуйхон Джан ([guihongzhang@foxmail.com](mailto:guihongzhang@foxmail.com)), Куйлонг таълим тренинг-маркази & проф. Чжиган Цзян ([zhigangjiang@vip.sina.com](mailto:zhigangjiang@vip.sina.com)), ХХР ФА Зоология институти; Мўғулистон: Б. Лхагвасурен ([lkhagvazeer@gmail.com](mailto:lkhagvazeer@gmail.com)) ва Б. Чимеддорж ([chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)), WWF-Мўғулистон; **Россия:** А. Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([saigak@hotmail.com](mailto:saigak@hotmail.com)) ва Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ([saiga-center@mail.ru](mailto:saiga-center@mail.ru)); **Ўзбекистон:** : Е. Бикова [масъул муҳаррир] ва А. Есипов, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)), А. Ганиева дизайни, ([alfiya\\_71@mail.ru](mailto:alfiya_71@mail.ru)).

Бу нашрни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да онлайн ёки расмий талабга кўра нашр этилган нусхасини муҳаррирлардан инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида олиш мумкин.

Сизни олти тилнинг исталганида материал юборишга таклиф этамиз. Илтимос, уларни [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz) манзилга ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилларидаги муаллифлар учун қоидаларни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топиш ёки расмий талабга кўра муҳаррирдан олиш мумкин. Агар Сизда саволлар туғилса, марҳамат, мамлакатингиздаги Saiga News муҳаррири билан ёки масъул муҳаррир - Елена Бикова билан боғланинг ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz))

---

## Махсус мавзу

### Россия ва чегарадош мамлакатлар қўриқлаш тизимининг 100-йиллигига

*Бундан 100 йил аввал, барча иқтисодий ва сиёсий қийинчиликларга қарамасдан, Бурятия Республикасининг Байкал кўли бўйида Россия империяси ҳудудида соболь популяциясини тиклаш учун илк қўриқхона — Баргузин қўриқхонасини ташкил қилиш тўғрисидаги қарор тасдиқланди. Бу муҳим воқеа Россиянинг, 1922 й. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР) ташкил қилингандан сўнг эса ажралиб чиқиб кетгунга қадар унинг таркибига кирган барча республикаларнинг алоҳида қўриқланадиган табиат ҳудудларининг ягона давлат илмий-асосий тизими яратилишига замин яратди.*

*Ҳозирги кунда собиқ Совет Иттифоқининг ҳар бир республикасида ўз қонунлари ва ўз алоҳида қўриқланадиган табиат ҳудудлари тизими қабул қилинган, бироқ, бу тизим, жумладан табиат муҳофазаси ҳудудий шакллари тушунчаси асослари XIX аср охирида — XX аср бошида буюк рус/совет табиатшунос олимлари: И.П. Бородин, Г.Ф. Морозов, Г.А. Кожевников, В.П. Семенов-Тянь-Шанский, А.Н. Формозов ва бошқалар томонидан солинган. Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция доирасида қўриқланадиган ҳудудлар *insitu* табиатни асраш муҳим элементи ҳисобланади, бу эса экотизим ва табиий яшаш жойларини асраш, шунингдек турларнинг яшовчан популяцияларини табиий муҳитда сақлаб туриш ва тиклашни билдиради. 1990-чи йилларнинг бошига СССРда АҚТХ тармоғида 200га яқин қўриқхона, 23та миллий боғ, 3000дан ортиқ заказник бўлган.*

*Бу тизим бошқа мамлакатларда қўлланадиганлардан фарқ қилади. Қўриқланадиган ҳудудлар, табиатни имкон қадар унинг қўл урилмаган ҳолида асраш мақсадида, фойдаланиш ва бориб кўриш учун ёпиқ. Қўриқхоналарнинг асосий вазифаси илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳисобланади. Заказникларда хўжалик фаолиятининг айрим турларига йўл қўйилади, бироқ улар, масалан кўчманчи турлар (жумладан сайғоқлар) нинг мавсумий муҳофазасини таъминлашга имкон берувчи ўзгарувчан қўриқлаш тартибига эга. Собиқ СССР мустақил мамлакатлари қўриқланадиган табиат ҳудудлари тўғрисидаги қонунларини ўзгартириши ва кенгайтиришига қарамасдан, асосий фалсафа аввалгидек кўпроқ АҚТХ тизими асосчиларининг қарашларига мос.*

### МДХ мамлакатларида сайғоқнинг ҳудудий муҳофазаси ҳолатининг обзори

#### ҚОЗОҒИСТОН

Қозоғистон Республикасида республика миқёсидаги АҚТХ тизими 113та шундай ҳудуд билан тақдим этилган, бироқ сайғоқ улардан атиги бештасининг ҳудудида муҳофаза қилинади:

**Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати** (1-1-расм) – майдони тахминан 764 минг гектар, 2007 й. Иргиз тумани ҳудудида табиат комплексларини асраш ва тиклаш, бетпақдала популяцияси намояндалари – сайғоқларнинг мавсумий яшаш жойлари ва кўчиш йўлларини муҳофаза қилиш мақсадида; шунингдек Иргиз-Тўрғай кўл тизимининг ноёб сув-ботқоқликларни асраш учун ташкил қилинган.

“Олтин Дала” давлат табиат резервати (1-2-расм) – 2012 й. умумий майдони 490 минг гектар бўлган майдонда

Марказий Қозоғистоннинг ноёб чўл экотизимини асраш мақсадида ташкил қилинган. Резерват Тўрғай ва Ули-Жиланшик дарёларининг ёпиқ дарё бассейнида жойлашган ва бетпақдала сайғоқ популяциясининг асосий кўзилаш, тўпланиш, қишлаш жойлари ва кўчиш йўлларини қамраб олади. Резерват чегараларига муҳим орнитологик ҳудуд деб эътироф этилган ноёб, региондаги энг йирик чучук Сарикоп кўллари тизими ҳам киради.

**Коргалжин давлат табиат қўриқхонаси** (1-3-расм) – 1968 й. умумий майдони тахминан 543 минг гектар бўлган майдонда ташкил қилинган, Қозоғистон чўл зонасининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, асосий ҳудуди Коргалжин ва Тениз сув-ботқоқликларидан иборат. 2008 й. қўриқхонага Тениз кўлидан ғарбда

## Махсус мавзу (давоми)

жойлашган, 260 минг гектар қўл урилмаган чўлнинг қўшилиши билан, бу АҚТХ асосий вазифаларидан бири сайғоқни, хусусан, бетпақдала популяциясининг бир қисми қўзилайдиган анъанавий жойларда асрашни таъминлаш бўлиб қолди.

**Наурзум давлат табиат қўриқхонаси** (1-4-расм) – 1966 й. умумий майдони тахминан 191 минг гектар бўлган майдонда Тўрғай платоси Евроосиё чўллари минтақасининг марказий қисмида Шимолий Қозоғистон чўл зонасининг типик, кам учрайдиган ва ноёб табиат комплекслари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини табиий ҳолатда асраш, уларни ўрганиш ва мониторинг қилиш учун ташкил қилинган. Сайғоқ бу ҳудудда майдан сентябргача яшайди.

**Барсакельмес давлат қўриқхонаси** (1-5-расм) 1966 й. тахминан 17 минг гектар майдонда ташкил қилинган. 2016 й. Барсакельмес биосфера қўриқхонасига ўзгартирилгандан сўнг, ҳудудининг Каскакулан участкаси қурилди ва қўшилиши, шунингдек катта буфер ва ўтиш зонаси яратилиши натижасида кенгайтирилиши ҳисобига унинг майдони 407,132 минг гектаргача кенгайди. Бу Қозоғистон ва МДХда экстремал экологик шароитлар билан тавсифланадиган, Орол денгизи сатҳининг пасайиши туфайли

глобал масштабдаги экологик ҳалокат зонасида жойлашган ягона қўриқхона. Қўриқхонанинг энг қимматли муҳофаза қилинадиган ҳайвонлари – бу туёқлилар, ва, биринчи навбатда, ажратилган сайғоқлар гуруҳи. Орол денгизининг сатҳи пасайгандан сўнг Барсакельмес ороли яриморол бўлди, ва сайғоқлар Оролнинг чучук сув манбалари бўлган шарқий соҳилига кўчиш имконига эга бўлди.

### ТУРКМАНИСТОН

Ҳозирги кунга Туркменистон Республикасида 9та қўриқхона ва 16та заказник ташкил қилинган

**Қоплонқир давлат табиат қўриқхонаси** (1-6-расм) – 1979 й. ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги пайтда шимолий ва жанубий чўллар туташган жойда Ўзбекистон ва Қозоғистон чегаралари яқинида Жанубий Устюртда жойлашган лойли платосимон Қоплонқир тепалигидаги тахминан 282 минг гектар майдонни муҳофаза қилади. Қўриқхонанинг ўзига хос хусусияти ўтмишда, энг совуқ қишларда қўшни Ўзбекистон ҳудудидан кўчиб келган устюрт сайғоқ популяцияси кузатилишидир. Унинг таркибига Сариқамиш (1-7-расм) ва Шасенем заказниклари (1-8-расм) ҳам киради. Туркменистон Республикаси 2015 й. CMS Котибиятига тақдим этган



миллий ҳисоботига асосан сўнги йилларда сайғоқлар у ерда декабрдан мартгача кузатилган.

### ЎЗБЕКИСТОН

Сўнги пайтгача Ўзбекистоннинг алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлари тизими 9та давлат қўриқхонаси, 2та миллий боғ ва 9та заказникдан иборат бўлган. АҚТХ янги тури – **“Сайгачий” комплекс ландшафтли заказниги** 2016 й. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тахминан 848 минг гектар майдонда (1-9-расм) шу номдаги заказникни қайта ташкил этиш натижасида ташкил қилинган. Бу ҳудуд табиий шароитларига кўра сайғоқ ва Устюрт платосида кам учрайдиган бошқа ҳайвонлар ва ўсимликлар яшаши учун энг қулай ҳудуд сифатида танланган. Бу ерда Устюрт сайғоқ популяциясининг кўчиш ва кўпайиш анъанавий жойлари жойлашган.

### РОССИЯ

Россияда бугунги кунга ҳар хил даражадаги (федералдан муниципалгача) ва турли тоифадаги (қўриқхоналар, миллий ва табиий боғлар, заказниклар, табиат ёдгорликлари ва бошқ.) 12 мингдан ортиқ АҚТХ мавжуд. АҚТХ федерал тизими 103та давлат табиат қўриқхонаси, 47та миллий боғ, 67та федерал заказникларни ўз ичига олади. Уларнинг бир қисми сайғоқни асраш учун мўлжалланган.

**“Черные земли” давлат табиат биосфера қўриқхонаси** (1-11-расм) 1990 й. ташкил қилинган, ва унинг майдони деярли 100 минг гектар бўлган “Степной” асосий участкаси Кума ва Волга оралиғидаги Каспий олди пасттекислигида жойлашган. Бу инсон фаолияти натижасида юзага келган чўл, яримчўл ва сахро ландшафтларини ўрганиш полигони. Қўриқхона рамзи сайғоқ ҳисобланади. 2009 й. учта федерал: “Меклетин” (1-12-расм), “Сарпин” (1-13-расм) ва “Харбин” (1-14-расм) заказниклар, айниқса “Меклетин” заказниги оператив бошқарувга ўтказилиши бу ҳудудда сайғоқни асрашни яхшилашга ёрдам берди. Афсуски, қўриқхонанинг асосий ҳудудидан узоқда шимол томонда жойлашган иккита бошқа заказник (“Сарпин” ва “Харбин”) ҳудуди сайғоқнинг узоққа кўчиб юрмаслиги сабабли ҳозирги

пайтда ўз долзарблигини йўқотган.

**“Степной” давлат табиат заказниги** (1-14-расм) майдони ҳозирги пайтда тахминан 109 минг гектарни ташкил қилади, 2000 й. Астрахан области Лиман райони ҳудудида ковилли чўллар ноёб табиат комплексини, бир қатор кам учрайдиган ҳайвон (биринчи навбатда сайғоқ) ва ўсимлик турларини асраш мақсадида ташкил қилинган. Заказник Астрахан области Лиман районида “Черные земли” давлат табиат қўриқхонаси ҳудудига жуда яқин жойда жойлашган бўлиб, аслида, қўриқхонанинг шарқий чегарасини унинг ҳудудига қўриқлаш тартибини бузувчилар бостириб киришидан ҳимоялайди, ва шу билан сайғоқ муҳофазаси учун АҚТХ тизимини яратади.

**Богдинск-Баскунчак давлат табиат қўриқхонаси** (1-15-расм) 1997 й. тахминан 19 минг гектар майдонда Россиядаги энг йирик турғун шўр кўлларида бири – Баскунчак кўли атрофидаги деярли кўл урилмаган яримчўл туркумлари табиат комплексини асраш учун ташкил қилинган. Бу ерда Каспий олди пасттекислигининг энг баланд нуқтаси ҳисобланган Большое (Катта) Богдо тоғи (149,6 м д.с.б.) ҳам муҳофаза қилинади. Айнан қўриқхона ҳудудига Қозоғистондан Волга-Урал сайғоқ популяцияси киради. Илгари Баскунчак кўлига туташган ҳудуд сайғоқларнинг кўчиш йўлида бўлиб, уларнинг яшаш жойи ҳисобланган.

**“Оренбургский” давлат табиат қўриқхонаси** (1-16-расм) 1989 й. тахминан 40 минг гектар майдонда ноёб чўл ландшафтларини асраш ва тиклаш мақсадида ташкил қилинган. Қўриқхонанинг бешта участкасидан фақат биттаси – майдони 7200 гектар бўлган “Ашчисайская степь”да Қозоғистон Республикасидан Бетпақдала популяциясига мансуб сайғоқлар кириши кузатилган.

Қозоғистон томонидан ҳам Астрахань, Волгоград ва Саратов областларининг чап қирғоқдаги районларига Волга-Урал популяция сайғоқлари кириши кузатилган, бироқ, афсуски, на Россия томонида, на Қозоғистон томонида биронта ҳам АҚТХ мавжуд эмас.

## Махсус мавзу (давоми)

### Қўриқлаш дарслари

#### РОССИЯ

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг фармони асосан 2017 йил Алоҳида қўриқланадиган табиат ҳудудлари йили деб эълон қилиниб, бутун мамлакатда кенг нишонланмоқда. Бундан ташқари, бутун мамлакат бўйлаб, “Заповедники” Экология-маърифат маркази томонидан турли ташкилотлар кўмагида тайёрланган “Умумроссия қўриқлаш дарси” акцияси ўтказилмоқда. Давомийлиги 45 дақиқа бўлган “Қўриқлаш дарси” - бу ҳар хил ёшдаги болалар учун, улар ўз мамлакатининг табиати ва унинг хилма-хиллигини қўриқлаш ва асраши керак бўлган тизим ҳақида кўпроқ билиб оладиган экологик билимлар мактабидир.

Россия “сайғоқларга оид” АҚТХ ходимлари ҳам бу тадбирларда қатнашишдан четда қолмадилар. Ўқитувчилар ва Богдинск-Баскунчак қўриқхонаси ходимлари, ёрқин презентация, шеърлар, ашулалар, викториналар билан ўтган «Богдинск-Баскунчак қўриқхонаси – Астрахань ерининг бойлиги» синфдан ташқари тадбирини ўтказдилар. Болалар Богдинск-Баскунчак қўриқхонаси – Астрахань



“Чёрные земли” қўриқхонасининг ходимлари Қалмоғистон Республикаси Черноземельск ва Яшқўл районларининг мактабларида қўриқлаш дарсларини ўтказдилар. <http://zapovednik-chernyezemli.ru>



Степной заказнигининг ходимлари томонидан Промисловский умумтаълим мактабида ўтказилган қўриқлаш дарси. <http://www.ifaw.org/russia/urok>

ерининг, вақти-вақти билан Қозоғистондан меҳмонлар – сайғоқлар кириб турадиган ноёб жойи эканлиги ва бу жойларни келажак авлодлар учун асраш жуда муҳимлигини билдилар. “Черные земли” қўриқхонаси ходимлари қўриқхонага яқин ҳудуд посёлкаларидаги мактабларда викториналар, экологик ўйинлар, видеофильм томошаларини ўз ичига олган бир қатор қўриқлаш дарсларини ўтказди. Барча ўқувчиларга қўриқхона рамзи туширилган сувенирлар топширилди. “Степной” заказниги ходимлари ҳам маҳаллий мактабда қўриқлаш дарсини ўтказиб, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бойлиги ҳақида, Заказник ходимларининг Астрахань областидаги бу заиф ва осон шикастланадиган табиат бурчагини ҳимоялашга доир мушкул меҳнатлари ҳақида сўзлаб бердилар. Ва, албатта, сайғоқ ҳақида ва айнан улар – ёшлар – олдидан қадрдон ўлка табиатига нисбатан ғамхўр муносабатда бўлишни давом эттириш турганлиги ҳақида сўзлашди. Болалар шунингдек Сайғоқни асраш бўйича альянс мавжудлигини, унинг нафақат Россия ҳудудидаги, балки тур ареалининг барча мамлакатларидаги фаолияти ҳақида билиб олдилар. Дарс кичик викторина билан якунланди – болалар саволларга жавоб беришди, ва тўғри жавоблар учун IFAW Халқаро ҳайвонлар ҳимояси фондининг совғаларини олишди.

## ЎЗБЕКИСТОН

Россиялик ҳамкасблар ташаббусини Ўзбекистонда ғайрат билан давом эттиришди. Ўзбекистон ва дунёнинг қўриқланадиган ҳудудларига бағишланган тадбирларда Нукус шаҳри, Жаслик, Қорақалпоғистон ва Қирқ-қиз посёлкаларидан 2 000дан ортиқ болалар ва катталар иштирок этди. Уқитувчилар олдида мураккаб вазифа турарди, чунки улар нафақат янги материални ўзлаштириши, балки қўриқланадиган табиат ҳудудлари тўғрисидаги ахборотни қай тарзда ўз фанининг тематикаси билан қизиқарлироқ ва тушунарлироқ бирлаштиришни ўйлашлари керак эди.

Тадбирлар Нукус шаҳрида бошланиб, бу ерда Қўриқхоналар куни арафасида болалар бир қатор экологик акциялар ўтказди ва тўқай ўрмони экотизими ҳамда унинг асосий ҳайвони – бухоро буғуси, инспектор ва илмий ходимлар иши билан танишиш учун Қуйи Амударё резерватига ташриф буюрди. Экспедицияда қатнашган болалар ўз презентацияларида тенгдошлари билан таассурот бўлишдилар. Байрам куни жуда катта шоу ва “Устюрт Сайғоғи: яшаш ҳуқуқи” ҳужжатли фильм намойиши билан якунланди.

Қўриқхоналар кунини ўтказиш бўйича эстафетани Жаслик, Қорақалпоғистон ва Қирқ-қиз посёлка мактаблари қабул қилди. Жаслик п. 54-сон мактабда жисмоний тарбия дарсида, кўплаб тўсиқлардан ўтиб, ўз Қўриқхонасига тушиши керак бўлган қайсидир кам учрайдиган ҳайвон родини танлаган. Мусиқа дарсида болалар



Ўзбекистон қўриқхоналарига бағишланган ботаника очик дарси © SCA



Қорақалпоғистон посёлкасидаги қўриқлаш дарси © SCA

ҳақиқий эртакка тушиб, қўғирчоқ спектакли қаҳрамонлари родини ўйнаб кўрди, ёвуз браконьерларни енгиб, кичик сайғоқчани қутқарди ва у шинам ва хавфсиз уй – янги Қўриқхонага тушди. Қорақалпоғистон посёлкаси 56-сон мактабда “Биз ва дунё” Чўл клуби аъзолари тайёрлаган экотеатр ва флешмоб байрам туйғусини тўлдирди.



Мусиқа дарсидаги Қўриқхоналар кунига тайёрланган қўғирчоқ томошаси © SCA

Қирқ-қиз посёлкасида чўл клубининг йўлбошчилари сайғоққа бағишланган спектакль, танлов ва викториналар тайёрлади. Мактаб байрамининг барча иштирокчилари катта қизиқиш билан Чотқол биосфера қўриқхонаси ҳақида фильм томоша қилиб, унинг ходимларига саволлар бериш имконига эга бўлдилар.

Экологлар командасининг янги қизиқарли – “Ана Сайгак” – “Она Сайғоқ” ташаббуси ривожланаётган болалар боғчасига ташрифи ҳақиқий ёрқин ва ранг-баранг совға бўлди. Бу сафар гуруҳ аъзолари – ижодий педагоглар,

## Янгиликлар



“Она сайғоқ” ташаббус гуруҳининг аъзолари ўзларининг Жаслик посёлкаси болалар боғчасининг кичик тарбияланувчилари билан. © SCA

кичкинтойларга сайғоқчалар меҳрибон болалар билан дўстлашиб, биргаликда браконьерларни енггани, она-сайғоқни фалокатдан қутқаргани ва энди “Сайгачий” Қўриқхонасидаги ҳаётдан мамнунлиги ҳақидаги яхши эртани совға қилдилар.

Россия ва Ўзбекистонда Қўриқхоналар кунини яқунланди, қўриқлаш дарслари ўтказилди. Барча мактаблар ўз одатий ўқиш тартибига қайтди. Бироқ қўриқлаш тадбирларининг ҳар бир иштирокчиси қалбида атрофдаги табиатга бўлган яхши муносабат зарраси, шунингдек жуда нозик ва ноёб экотизимни асрашга оид умумий ишга дахлдорлик ҳисси “мустаҳкамланди”. Бундай билим

*Анна Лушчекина, Елена Бикова ва Наталья Шивалдова Сайғоқни асраш бўйича альянс, “Экомактаб” Экологик-ресурс маркази, [ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru)*

## Мўғул популяцияси сайғоқлари орасида PPR авж олишига жавобан WCS ҳаракатлари

*Энхтувшин Шилегдамба, Ёввойи табиатни асраш жамияти (WCS), [eshiilegdamba@wcs.org](mailto:eshiilegdamba@wcs.org)*

ошириш тадбирларининг ўтказилиши яхши аъёнага айланади деб умид қиламиз.

Ғарбий Мўғулистонда Улкан Кўллар ҳавзасида сайғоқларнинг ялпи ўлими билан курашиш чоралари давом этмоқда. Ҳукуматнинг сўнгги ҳисоботларига асосан, 2016 й. декабрдан Олтой тоғлари ва Хитой билан давлат чегараси билан чегараланган Дургун чўли, Хуйсин-Гоби ва Шаргин-Гоби (Ховд ва Гоби-Олтой провинциялари) ҳудудида 5000дан ортиқ ҳайвон нобуд бўлди. Бевосита ялпи ўлим бошланишидан аввал ўтказилган баҳолашга кўра, бу ноёб кенжа тур сони тахминан 10000 зотни ташкил қилган. Ўлим сабаби уй ҳайвонларида тарқалган, Pestedes Petits Ruminants (PPR) сифатида маълум бўлган вирус ёки майда кавш қайтарувчи ҳайвонлар ўлати бўлган. Мўғул сайғоқ популяциясига шикаст етказган бу касаллик, илк бор 2016 й. августда сайғоқ яшайдиган жойда майда шохли молда кузатилган, ва тез орада ёввойи ҳайвонларга ўтган (батафсилроқ шу сондаги Б. Чимеддорж, Б. Бувейбатар ва Р. Кок мақолаларини қар.).

WCS Мўғул дастури директори доктор Энхтувшин Шилегдамба, WCS биологлари доктор Бувейбатар Баярбатар ва Ариунбатар Бархасбатар, Ветеринария ва ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш агентлигидан доктор Батхуяг Сандаг ва Давлат марказий ветеринария лабораториясидан вирусолог доктор Мунхдурен Шатарлардан иборат WCS тезкор ҳаракат гуруҳи FAO/OIE Кризис вазиятларини бошқариш марказининг мутахассислари билан биргаликда дала тадқиқотларини ўтказди. Уларга Қироллик ветеринария коллежидан доктор Ричард Кок ва Мўғулистонлик эпидемиолог доктор Болортуи Пуверсурен маслаҳат берди. Команда ҳайвонларнинг жасадларидан пробалар олиб, яқинда ўлган сайғоқларни ёриб ва касал зотларни текшириб, вазиятни тезкор баҳолади. Тадқиқотчилар PPR диагнозини тасдиқлаб, маълумот йиғиш ва касалликка қарши курашиш бўйича шошилиш чоралар кўришга оид тавсиялар рўйхатини туздилар.

WCS олимлари эпизоотияга қарши курашишни давом эттирмоқда. Бу



Йўналишда амалга оширилган сўнги жиддий қадамлардан бири “Мўғул сайғоғи ва уй ҳайвонларида PPR авж олиш муаммоси бўйича халқаро йиғилиш” ташкил қилиниши бўлди. Йиғилиш доирасида Мўғулистон ҳукумати учун ёввойи ва уй ҳайвонларида эпизоотияни тўхтатиш учун кейинги босқичлар бўйича махсус тавсиялар ишлаб чиқилган. Йиғилиш 2017 й. 29-31 майда FAO/OIE, Мўғулистондаги АҚШ элчихонаси, АҚШ Геология хизмати (USGS), АҚШ Балиқ ва ов хизмати (USFWS) ва WCS кўмагида Мўғулистон Экология ва туризм вазирлиги ва Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат вазирлиги томонидан ташкил қилинган. Йиғилиш



PPR вируси тарқалиш зонасининг харитаси, Мўғулистонда вакцинация зонаси ва сайғоқ ареали © WCS Mongolia

яқунлангандан сўнг Фарбий Мўғулистоннинг тўртта провинцияси ва Давлат марказий ветеринария лабораторияси мутахассислари дала шароитларида ўлган ҳайвонларни ёриш, ёриш натижаларини таърифлаш ва расмийлаштириш ҳамда дала шароитларида пробаларнинг асосий лаборатория таҳлилларини ўтказиш бўйича бир ҳафталик ўқув-машқ курсларини ўтди. Курсларни ўтказишда Ўзароанглашув Трести (TMU) молиявий ёрдам кўрсатди, техник инструкторлар сифатида Бронкс ҳайвонот боғининг патология бўлимида патологоанатомлар Шарлот Холлингер ва Аня Томашевич чиқишди.

Моррис ҳайвонлар фонди (Morris Animal Foundation), Сайғоқни асраш бўйича альянс ва FAO/OIE WCS кўмагида Фарбий Мўғулистонда ёввойи туёқли ҳайвонлар,



Мўғул сайғоқлари ва уй ҳайвонлари орасида PPR авж олиши муаммоси бўйича Халқаро йиғилиш иштирокчилари © WCS Мўғулистон

хусусан сайғоқ, жайрон, сибирь тоғ такаси ва тоғ қўйларини ҳисобга олишни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Биз шунингдек сайғоқларни бўйинбоғлар билан таъминлаб, уларнинг майда кавш қайтарувчи ҳайвонлар ўлатига чидамлилигини ва қаршилиқ кўрсата олишини ўрганиш, вирус ривожланишига тўсқинлик қилиш ва ёввойи туёқлилар касалланишини, масалан уй ҳайвонларини вакцинация қилиш орқали минималлаштириш усулларини аниқлаш мақсадида касаллик тарқалиш йўллари ва майдонини белгилаш учун шу ҳайвонлардан пробалар оламиз.

Сайғоқларга PPR вирус майда шохли молдан юққани тўғрироқ. WCS FAO/МЭБ, Экология ва туризм вазирлиги, Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат вазирлиги, WWF ҳамда Умумий ва экспериментал биология институти билан биргалиқда уй ҳайвонларида ҳам, ёввойи ҳайвонларда ҳам PPRга қарши курашиш ва уни йўқотиш бўйича, шунингдек ижтимоий-иқтисодий соҳа ва биохилма-хилликка жиддий ва узоқ муддатли таъсирининг олдини олиш бўйича самарали стратегия ишлаб чиқиш устида ишламоқда. Қолган популяцияни шу қадар фожиали қисқаришидан сўнг асраб қолиш ва тиклаш ҳамда бу ноёб кенжа турни йўқ бўлишдан сақлаш учун сайғоқ ва унинг яшаш муҳитини асраш учун молиялаштиришни ҳам ошириш зарур, ва шу сабабдан, WCS 2025 йилга Мўғулистонда касалликни йўқ қилиш бўйича режани амалга оширишда

## Янгиликлар (давоми)

### Мўғул чўпонлари сайғоққа нисбатан ўта совуқ муносабатда

Буяна Чимедорж, WWF-Мўғулистон [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)

ҳомий ва ёрдамчиларни қидиришда давом этмоқда.

Минглаб мўғул сайғоқлари майда кавш қайтарувчи ҳайвонлар ўлати авж олиши натижасида нобуд бўлди, атиги 4961 зот омон қолди. Касаллик озгина чекиниб, сайғоқлар орасида ўлим даражаси пасайишга улгурмай, янги муаммо юзага келди – маҳаллий чўпонларнинг ҳайвонларга нисбатан ўта совуқ муносабати. Аввал ҳам уй ҳайвонларига озуқа етишмаслигида айбланган бечора сайғоқлар энди хавфли инфекция касаллик тарқалиш сабаби бўлиб қолди. Зарарланган ҳайвон уларнинг уй ҳайвонларига юқтириши мумкин деб ҳисоблаган чўпонлар сайғоқлардан кўрқа бошлади. Кўпчилик чўпонлар бу антилопадан янада кўпроқ нафратланмоқда, улардан бирининг айтишича “йўқ бўлиш хавфи остида турган эндемик кенжа тур бўлса ҳам,

чўпонлар учун уларнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Уларни асрашда ҳеч қандай маъно йўқ. Аксинча, сайғоқлар шундоқ ҳам чегараланган яйлов ресурсларини йўқ қилишмоқда, энди эса бизнинг ҳайвонларимизга касаллик ҳам олиб келяпти. Биз шунчаки сайғоқни у борлиги учун яхши кўра олмаймиз ёки миннатдор бўла олмаймиз”.

Илгари регионда одамлар ва ёввойи ҳайвонлар ўртасидаги конфликт асосан уй ҳайвонларига ташлангани учун уни ёмон кўришган, илвирсга бўлган совуқ муносабатда ифодаланган бўлса, ҳозирда биз яна бир шундай вазият – чўпонлар ва сайғоқлар манфаатларининг тўқнашувини кузатяпмиз. Бу конфликтни ҳал қилиш учун маҳаллий аҳолидан ҳайвонни ҳимоя қилиш янги стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек янги контактлар ўрнатиб, асосий аудитория билан ўзаро алоқанинг янги инструментларини яратиш зарур.

### Сайғоқ ҳақидаги сага: мўғул наشري


Муниб Ханьяри, Бристоль университети, [munib@ncf-india.org](mailto:munib@ncf-india.org)

Гоби – бу дастлаб, меҳмондўст жой бўлиб туюлмайдиган ярим чўлдир. Бироқ биз сайғоқ кўзилаш жойларида мониторинг ўтказган ҳамкасбларимиз ва маҳаллий инспекторлар билан Фарбий Мўғулистон Шаргин-Гоби провинциясидаги лагерда ўтириб, қушларнинг сайрашини тинглаб ва ерда югураётган калтакесакларни кузатган чоғимизда, менда бу ерда ҳаёт қайнамоқда, деган фикр туғилди.

Куйиқиш даврида сайғоқлар уй ҳайвонларидан, популяциясининг 54%ни нобуд қилган майда кавш қайтарувчи ҳайвонлар ўлати (PPR)ни юқтирган, ва шунинг учун 2017 й. июндаги кўзилаш, эҳтимол, мўғул сайғоғини асрашда муҳим роль ўйнади. Мўғулистонга биз иккита мақсад – кўзилаш жойларида сайғоқ мониторингини ўтказиш ва уларнинг организми PPR юқишига қарши

антижисмлар ишлаб чиқишини текшириш учун ҳайвонлардан намуналар олиш мақсади билан келдик.

Янги туғилган сайғоқларни топиш, баъзан, анча мураккаб бўлади. Тўрт кун давомидаги қидирувларимиз натижа бермади. Чўл бўйлаб сайёҳатимиз вақтида



Кўзилаш вақтида биз топган тўққизта сайғоқчадан биттаси © Муниба Каньяри



Сайғоқни кузатиш командаси тўлиқ таркибда Шаргин-Гоби провинциясидаги сайғоқлар қўзилаш жойига яқин бўлган Дарви сомонида дам олишда © Муниба Каньяри

биз аянчли тарзда касалликни ёдга солган бир нечта ўлик сайғоқларни топдик. Бешинчи кун ҳам сайғоқчаларни топа олмаганимизда, биз умидсизликка тушдик. Иккита маҳаллий ветеринар бизга 2016 й. сентябрда ўлат эпизоотияси вақтида майда уй ҳайвонларининг кўп урғочиларида чала тушган қўзи бўлганини сўзлаб берди. Наҳотки сайғоқларда ҳам шундай бўляпти?

Бироқ мана бир ҳайвонлар гуруҳини кўрдик. Бахтимизга, бу урғочи ва иккита кичикроқ сайғоқ эди. Бирдан улар чўнқайиб ўтирди ва кўриш доирасидан йўқ бўлди. Ана холос! Жойига етиб бориб, биз бир вақтда туғилган икки сайғоқчани топдик. Биз роса қувондик! Бироқ сайғоқчалардан бири атиги 2,2 кг эди – мўғул кенжа тури учун бу жуда кичик вазн. Одатда янги туғилган ҳайвон вазни 3 кг бўлади. Наҳотки бунга ўлат сабаб бўлса?

Кейинги тўрт кун давомида биз 10 соатдан сайғоқ қўзиларини қидириш билан ўтказдик, бироқ уларни топа олмадик. Бундай шароитларда ишлашда команда ҳаракатлари муҳим ўринга эга. Тепалик чўққисидан бизга узоқда қўзиларни эмизаётган урғочи кўрингандай туюлганида, маҳаллий инспектор Буянбатар ўз дурбинининг окулярини унга тўғрилади. Бу вақтда биз яна бир инспектор, Буви билан машинага ўтирдик, рацияни ёқдик ва, Буянбатар кўрсатмаларига амал қилган ҳолда жойга кетдик. Шу тарзда, биз яна бир кичкинагина

қўзини топдик.

Натижада биз тўққизта янги туғилган – битта эгизак ва еттита ёлғиз сайғоқчани қайд қилишга муваффақ бўлдик. Айримларининг туғилганига атиги бир неча кун бўлган эди, ва уларни тутиш жуда қийин эди! Дастлаб биз 40та қўзи топишни режалаштирган эдик – олдинги мониторинг вақтида айнан шунча топилган эди. Бундай кичик сон чала бола тушиш натижасими ёки касаллик ҳайвонларнинг репродуктив қобилиятига таъсир қилдими, фақат тахмин қилиш мумкин эди!

Улан-Батордан қайтаётганда, Дарви сомонида биз чўлни эсладик. Бу йил мониторинг мураккаб бўлди – мунтазам кучли шамоллар, атиги 9та қўзини узоқ қидириш. Шунга қарамасдан, уларнинг ҳар бирдан қон намунасини олишга муяссар бўлдик, ва энди бу намуналар уланбатор ветеринария лабораториясига юборилиб, у ерда PPRга антижисмлар мавжудлиги, шунингдек Pasteurella бактерияси мавжудлигига текширилади (2015 й. Қозоғистонда, одатда сайғоқ организмда унга зарар етказмасдан яшайдиган бу бактерия пастереллез эпизоотиясини, ва, оқибатда, бу ҳайвонларнинг ялпи ўлимини юзага келтирди). Бундан ташқари, майда кавш қайтарувчилар ўлати бу кўрсаткичларда биронта ўзгаришни юзага келтирдими, йўқми аниқлаш учун, биз гуруҳлар катталиги ва тузилмаси, бўғоз урғочилар фоизи ҳақида маълумот йиғдик. Шунингдек биз нобуд бўлган ҳайвонлардан, ёшини аниқлаш учун, тишларини олдик.

Улан-Баторга келганда, биз текширишлар ўтказган жой яқинида 20та тоғ такаси нобуд бўлганини билдик. Уларнинг кўпида PPR аниқланган. Наҳотки тоғда яшайдиган туёқлилар ҳам касалликни юқтирган бўлса? Бу ҳақида ҳаёл суриб, мен сайғоқ ҳақида ҳам ўйладим. Мамонтлар даврида яшаган бу ҳайвон, энди энг ноқулай шароитларда омон қолишга уринишга мажбур. Шундай ҳаёл ва сайғоқнинг узоқ тарихидаги яқунловчи боб ҳали ёзилмаган деган умид билан бошимни ёстиққа қўйиб, ухлаб қолдим.

## Янгиликлар (давоми)

### Қозоғистонда 2017 й. сайғоқларни авиаҳисобга олиш натижалари

Юрий Грачев, ҚР ТФВ ФҚ Зоология институти, [teriologi@mail.ru](mailto:teriologi@mail.ru)

Қозоғистонда сайғоқларни авиаҳисобга олиш 11 дан 30 апрелгача ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами қўмитасининг буюртмасига кўра ҚР ТФВ ФҚ Зоология институти, “Охотзоопром ПО”, ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот дунёси область ҳудудий инспекциялари, “Олтин Дала” ва “Иргиз-Тўрғай” давлат табиат резерватлари, Коргалжин давлат қўриқхонаси ходимлари иштирокида ўтказилди.

Қозоғистондаги сайғоқларнинг умумий сони 152.6 минг, шу жумладан бетпақдала популяцияси 51.7 минг, устюрт – 2.7 минг, урал – 98.2 минг зотни ташкил қилди. 2016 йилга нисбатан бетпақдала популяциясининг сони 42.8%га, устюрт – 42.1%га, урал – 39.8%га кўпайган. Умумий сони 2016 йилга нисбатан 40.9%га кўпайган.

### 2016-2017 йй. бетпақдала ва урал популяцияларининг қўзилаш жойларидаги сайғоқ мониторинги натижалари

Альберт Салемгареев, Штеффен Цутер, Қозоғистон Биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси, [albert.salemgareev@acbk.kz](mailto:albert.salemgareev@acbk.kz), [steffen.zuther@acbk.kz](mailto:steffen.zuther@acbk.kz)

2008 йилдан бошлаб, “Олтин Дала” Табиат муҳофазаси ташаббуси доирасида ҚБСА РОО мутахассислари, 2016 ва 2017 йй. бетпақдала ва урал популяцияларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, қўзилаш жойларида сайғоқ мониторингини ўтказадилар.

Шундай қилиб, 2016 й. урал популяцияси сайғоқларининг қўзилаши Фарбий-Қозоғистон областининг Жанибек ва Казталов районлари чегарасида бўлиб, 7 дан 17 майгача иккита катта пода кузатилган. Умумий узунлиги тахминан 90 км бўлган трансекталарда, 320 сайғоқча қулоқ тамғалари билан белгиланган. Бетпақдала популяцияси сайғоқларининг қўзилаши 5 дан 12 майгача даврда Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати ҳудудида ўтди. Маршрутнинг 65 км да тахминан 200та сайғоқча қулоқ тамғалари билан белгиланди, қўзиларнинг ўртача вазни (жинсидан қатъий назар) 3,160 кг ни ташкил этди.

Урал популяцияси сайғоқларининг қўзилаш жойларини текшириш даврида 2017 йилда умумий узунлиги 142 км бўлган 28 трансектада 950та янги туғилган қўзи кўриқдан ўтказилиб, улардан 663таси қулоқ тамғалари билан белгиланди. Қўзилаш

бир биридан 35 км масофада жойлашган иккита участкада ўтди.

Қозоғистоннинг шимолий областларида 2017 йилда баҳор нисбатан кеч келишига қарамасдан, бетпақдала популяцияси сайғоқларининг қўзилаши 12 майда яқунланиб бўлди. Бунда сайғоқлар катта алоҳида қўзилаш подаларига йиғилмасдан ҳудуд бўйлаб тарқалган, Иргиз-Тўрғай резервати ҳудудида кузатилганлардан энг каттаси тахминан 4000 бошни ташкил қилган, турли катталиқдаги гуруҳларга подалашгани кузатилган.



Қулоқча босиладиган тамға билан белгиланган янги туғилган сайғоқча.  
© Альберт Салемгареев

Умуман олганда, бетпақдала ва урал популяциялари сайғоқларининг қўзилаши 2016 ва 2017 йилларда муваффақиятли ўтди деса бўлади.

Ўрганишларда ҚБСА РОО, “Охотзоопром” ПО” РГКП, ҚР ТФВ Биологик хавфсизлик муаммолари ИТИ, ҚХВ КВКН Ветеринария бўйича миллий референт маркази, ҚР ТФВ ФҚ Зоология институти, Қироллик ветеринария коллежи (Буюк британия), Бристоль университети (Буюк британия) ва Франкфурт зоология жамияти (Германия) мутахассислари иштирок этди.

Батафсилроқ: <http://www.acbk.kz/ru/ea>  
<http://www.acbk.kz/ru> да



Қўзилаш учун тўпланган сайғоқлар.  
© Альберт Салемгареев


## Қозоғистонда сайғоқ шохлари савдосига қарши ахборот кампанияси

*Данара Жарболлова, Мухит Суттибаев, Қозоғистон биоҳилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси, [danara.zharbolova@acbk.kz](mailto:danara.zharbolova@acbk.kz), [mukhit.suttibayev@acbk.kz](mailto:mukhit.suttibayev@acbk.kz)*

2016 й. ноябрдан 2017 й. январгача икки ой давомида Қозоғистон биоҳилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси (ҚБСА) сайғоқ шохлари ноқонуний савдосига қарши катта кўламдаги ахборот кампаниясини ўтказди. Кампаниянинг асосий мақсади – сайғоқ шохлари сотиб олиниши ҳақидаги эълонлар тарқалишининг олдини олиш, шохлар сотиб олиш/сотиш учун жиноий жавобгарлик тўғрисида жамоани хабардор қилиш, шунингдек сайғоқни асраш муаммосига эътибор тортиш. Кампания ҚР ИИБ Маъмурий полиция қўмитасининг табиатни муҳофаза қилиш полицияси бўлими, ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот дунёси қўмитаси ва “Охотзоопром” ПО” РГКП кўмагида ҚБСА ташаббусига кўра ўтказилди.

Биз, манфаатдор жамоа учун ахборот алмашиш, сайғоқ ва бутун ҳайвонот дунёсини асраш масалаларини муҳокама қилиш учун асосий платформа ҳисобланган Facebook ва Вконтакте ижтимоий тармоқларида махсус саҳифалар яратдик. Саҳифаларга 686дан ортиқ одам ёзилди (Facebook – 667, Вконтакте – 19). Ижтимоий тармоқ

фойдаланувчилари шу саҳифага ўз шаҳарларидан сайғоқ шохларини сотиб олиш/сотиш тўғрисидаги эълонлар туширилган суратларни юборишди. Бундан ташқари What’sAPP иловасида қизгин линия очилган бўлиб, бу ерга ҳам барча хоҳловчилар топилган эълон суратларини юбордилар. Қозоғистон шаҳарларида (Астана, Алматы, Актобе, Қарағанда, Актау, Уральск, Атирау ва Қизилўрда) сайғоқ шохларини сотиш




1-расм. Қозоғистон шаҳарларида сайғоқ шохларини ноқонуний сотиб олиш/сотиш тўғрисидаги эълонларнинг фойдадаги нисбати.

## Янгиликлар (давоми)

ноқонунийлиги тўғрисида аҳолини хабардор қилиш учун волонтерлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмалари ходимлари томонидан 5000та махсус ишлаб чиқилган стикер тарқатилди.


Натижада, кампания ўтказилган вақтда Қозоғистоннинг 7 областида 200дан ортиқ эълон топилди (1-расм). Эълонларнинг энг кўп сони Мангистау, Қарағанда, Алмати ва Актюбинск областларида қайд қилинди. Натижада, сайғоқ шохларини сотиб олиш/сотиш тўғрисидаги эълонларни жойлаштирган 24та олибсотарнинг контакт рақамлари аниқланди ва 19та Қозоғистон вебсайти топилди. Барча администраторларга бундай фаолият ноқонунийлиги тўғрисидаги маълумотга эга хатлар юборилди, ва натижада улардан 11таси вебсайтдан дархол ахборотни ўчириб ташлади. Телефон рақамларининг таҳлили сайғоқ шохлари олибсотарларининг энг кўп сони Қарағанда ва Алмати шаҳарларида аниқланганини кўрсатди (2-расм).

Барча йиғилган ахборот ҚР ИИБ Маъмурий полиция қўмитасининг табиатни муҳофаза қилиш полициясига ва ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот дунёси қўмитасига юборилди. Йиғилган маълумотлар асосида ҚР Ички ишлар вазирлиги тергов ва тушунтириш ишларини олиб бормоқда.



Сайғоқ шохларини сотиб олиш ноқонунийлиги тўғрисидаги ахборотли стикер © ҚБСА

Шундай қилиб, ушбу кампания туфайли бутун Қозоғистон Республикаси ҳудудида одамларни сайғоқ шохларини сотиб олиш/сотиш ноқонунийлиги тўғрисида хабардор қилишга, шунингдек браконьерликка қарши курашиш ва глобал хавф остидаги антилопа турини асраш муаммосига жамоа эътиборини тортишга эришилди.



2-расм. Шаҳарлардаги (а) ва интернетдаги (б) эълонларнинг таҳлил маълумотларига кўра Қозоғистон шаҳарлари буйича сайғоқ шохлари олибсотарларининг тақсимланиши

## Хизмат итлари ҳайвонот дунёси объектларининг ноқонуний савдосига қарши

*Кривошеева Алёна, Қозоғистон биоҳилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси,*  
[alyona.krivosheyeva@acbk.kz](mailto:alyona.krivosheyeva@acbk.kz)



Канат Алиев ва “Кичик” лақабли бельгия овчаркаси © ҚБСА

2017 й. 10 апрелдан 5 июлгача ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот дунёси қўмитаси (ҚР ҚХВ ЎХваҲОҚ), “Қозоғистон биоҳилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси” РОО ва ҚР Молия вазирлиги Давлат даромадлари қўмитаси “Кинологик маркази” РГУнинг хизмат-исковуч итларининг тренинги бўйича биргаликдаги лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади Қозоғистон Республикаси чегарасидан олиб ўтиладиган ҳайвонот объектларининг ноқонуний силжишининг олдини олиш ва уларнинг контрабандаси билан боғлиқ жиноятларни очишга кўмаклашиш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг йўқолиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги Конвенция (СИТЕС) қўлланиши масалаларидаги хабардорлигини ошириш.

ҚР Молия вазирлиги Давлат даромадлари қўмитаси Кинологик маркази негизда бельгия овчаркаси, лабрадор ва спрингер

спаниель зотли саккизта хизмат-исковуч ити наркотик моддалар, сайғоқ шохлари, ўрта осие тошбақалари ва итолғиларни қидиришга ўргатилди. Бу турлар, кўрсатилган ҳайвонлар ва уларнинг дериватларини Қозоғистондан ташқарига ноқонуний олиб чиқиш (ёки мамлакат ҳудуди орқали олиб ўтиш) бўйича маълумотлар таҳлилидан сўнг тренинг дастурига киритилган эди.

ҚР Кинологик марказининг мутахассислари Makor K9 америка ташкилотидаги ҳамкасблари билан биргаликда ўргатилган итлардан уларнинг халқаро талабларга ва сифат стандартларига мувофиқликка имтиҳон олдилар. Машғулотлар якунланганидан сўнг хизмат-исковуч итлар ҚР божхона постларида ҳамда Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараларидаги ўтказиш пунктларида ишлайди.

2017 й. 5 июлда тренинг, шунингдек Қозоғистон Республикасида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари ва уларнинг дериватларини ноқонуний олиб кириш/ олиб чиқишга қарши курашиш бўйича идоралараро йиғилишнинг расмий ёпилиш маросими бўлди. Йиғилишда ҚР Молия вазирлиги Давлат даромадлари қўмитаси; ҚР ҚХВ Урмон хўжалиги ва ҳайвонот дунёси қўмитаси; ҚР МХК Чегара хизмати; областларнинг



Открытие тренинга служебно-розыскных собак © Акан Турсынбаев

## Янгиликлар (давоми)

ихтисослаштирилган табиатни муҳофаза қилиш прокуратуралари; ҚР ИИБ табиатни муҳофаза қилиш полицияси; “Охотзоопром” ПО” РГКП вакиллари, илмий ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Ушбу лойиҳа АҚШ Балиқ ва овладиган қушлар Федерал хизмати (US FishandWildlifeService) ҳамда Фауна ва Флора Интернешнл (FFI) молиявий кўмагида “Олтин Дала” Табиат муҳофазаси ташаббуси доирасида амалга оширилмоқда.



Итларни ўргатиш. Манба деворида бекитилган ҳид – сайғоқ шохининг ҳиди шимдирилган қоғозни қидириш. © ҚБСА

## Қозоғистонда сайғоқнинг устюрт популяциясини ўрганиш ва асраш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилинди

*Кривошеева Алёна, Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси*  
[alyona.krivosheeva@acbk.kz](mailto:alyona.krivosheeva@acbk.kz)

Устюрт сайғоқ популяцияси ҳозирда энг кам сонли ва, бунинг оқибатида, энг заиф ҳисобланади. Шунинг учун ҚБСА ташаббусига кўра “Олтин Дала” Табиат муҳофазаси ташаббуси доирасида Устюрт платосида сайғоқлар мониторинги ва уларни асраш бўйича гуруҳ ташкил қилишга қарор қилинди. Яқин уч йил давомида Устюрт гуруҳи учта асосий йўналиш бўйича иш олиб боради: сайғоқлар мониторинги (қўзилаш жойларини қидириш, популяциянинг жинс-ёшга оид таркиби бўйича маълумот йиғиш, соғлигини баҳолаш, хавфларни



Устюрт платосида сайғоқлар мониторинги ва уларни асраш бўйича Гуруҳ учун тренинг © ҚБСА

таҳлил қилиш ва ҳ.к.); маҳаллий аҳолига экологик билим бериш; шунингдек давлат органларига браконьерликка қарши курашишда кўмаклашиш. Қўйилган вазифаларнинг мувафаққиятли амалга оширилиши учун “Охотзоопром” ПО” РГКП ва “Актюбинск области ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот дунёси худудий инспекцияси” РГУ билан ҳамкорлик тўғрисида келишув тузилди.

Гуруҳ, ҳар бири маълум иш йўналиши учун жавоб берадиган 5 кишидан иборат. Ходимлар учун сайғоқ мониторинги ва уни асраш бўйича тренинг ўтказилди, қўйилган вазифаларнинг мувафаққиятли амалга оширилиши учун зарур жиҳозлар (автомашиналар, фотокамералар, GPS ва бошқ.) топширилди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши бўйича асосий



Инспекторларни GPS навигаторлардан фойдаланишга ўргатиш. © ҚБСА



## Сайғоқ куни - 2017

*Янги туғилган сайғоқчалар дунёга келиши арафасида Сайғоқ кунини ўтказиш аллақачон яхши анъанага айланди. Халқаро экологик байрам, ҳудудда бу ноёб тур яшайдиган барча давлатларда нишонланади. У Евроосиё арид ҳудудларининг ажойиб ҳайвонларига – хусусан сайғоққа, ва бутун табиатга нисбатан нафақат ўсиб келаётган авлодда, балки ёши катта инсонларда ҳам ғамхўрликни шакллантиришга йўналтирилган.*

### Қалмоғистонда Сайғоқ куни

*Юрий Арилов, Қалмиқ давлат университети, [saiga-center@mail.ru](mailto:saiga-center@mail.ru)*

молиявий ҳамкор Фауна ва Флора Интернэшнл (FFI) халқаро ташкилотидир.

Бу йил Қалмоғистон ҳудудда Сайғоқ куни икки босқичда: 10 апрелда - Яшқўл, 26 апрелда эса – Черноземельск районларида нишонланди. Шунингдек ўтиш керакки, иккита район ҳам сайғоқнинг, йилдан йилга урғочилари қўзилаш учун подаланадиган, асосий яшаш жойи ҳисобланади. Айнан шу вақтда гўзал чўлларимиз уйғониши қайд этилади – лолалар, гулсапсарлар ва бошқа чўл ўтлари гуллади; қуш, бўри, тулки қуён болалари дунёга келади. Чўл бўйлаб тараладиган ёқимли товушлар эса – сайғоқчалар дунёга келишидан далолат беради. Ҳаёт давом этади!!!

Яшқўл районида анъанага кўра Сайғоқ кунини нишонлаш Е.К. Хаглишева ном. Яшқўл кўп тармоқли гимназияси базасида ўтказилиб, у ерга 100дан ортиқ иштирокчилар: “Тирик мерос” (Яшқўл п.), “БамбЦецг” (Адик п.), “Элвг-делвг Эрдиҳн” (Эрдниевский п.) чўл клубларининг аъзолари, Утта ва Хулхута поселкалари ўқувчилари, шунингдек ўқувчилар эколог-биологик маркази, Элиста ш. Таълим бошқармаси, “Черние земли” кўриқхонаси, РФА А.Н. Северцов ном. Экология ва эволюция муаммолари институтининг ходимлари, шунингдек Москванинг “Интеллектуал” мактаби ўқувчилари йиғилди.

Ўз нутқларида бундай тадбирнинг ўтказилиши бутун Россия учун муҳимлигини таъкидлаб ўтган, Яшқўл гимназияси директори Э. Очирова ва “Тирик мерос” экологик клуб раҳбари Е.А.Самтанованинг кириш сўзидан сўнг



Адик посёлкасида Сайғоқ куни. © Ж.В. Анжаева

«Идрис» ансамблининг мусиқий чиқиши байрамни давом эттирди. Кичик артистлар ташриф буюрганларга рақс тилида сайғоқ тақдири ҳақида ва уни асраш бизнинг қўлимиздалиги ҳақида айтиб беришди. Ёш экологлар “Қўриқланадиган табиат олами” экологик квестда иштирок этишди. Улар рамзий “Йўлбарслар”, “Бўрилар”, “Тулкилар”, “Бойўғлилар”, “Сайғоқлар” номли командаларга бўлинди. Квест “Эко театр”, “Ватанимнинг сайғоқлари” шеърӣ станцияси, “Эрудит”, “Биз билан бирга рақс туш” каби станция-танловларни ўз ичига олди. Биринчи ўринни “Сайғоқлар” командаси, иккинчи ўринни “Бойўғлилар”, учинчи ўринни “Йўлбарслар” эгаллади. Совринлар топширилгандан сўнг миллий қалмиқ пишириқлари билан чойхўрлик ташкил қилинди. Байрам гимназия ҳовлисида 25та мевали дарахт кўчатларини экиш билан яқунланди, бу жой “Сайғоқлар боғи” деб номланди.

Сайғоқ кунини нишонлаш эстафетасини, у ерда мана бир неча йилдан буён

## Янгиликлар (давоми)



Яшқўл посёлкасида кўчат экиш акцияси.  
© Юрий Арилов

“БамбЦецг” чўл клуби муваффақиятли ишлаётган, “Г.Б.Мергульчиев ном. Адиков ўрта мактаби” МБОУ қабул қилди. Байрамни нишонлашда 5-8-чи синф ўқувчилари, шунингдек Н.Э.Манжиев

ном. Комсомольск ўрта мактабининг “Эколог” тўғараги, Черноземельск ижодий болалар уйининг “Ёш эколог” ўқувчилар уюшмаси аъзолари, ҳамда Саруль ўрта мактабидан болалар қатнашди. Байрамга йиғилган болаларни ва уларнинг ота-оналарини мактаб директори В.Х.Банджаев ва “БамбЦецг” клубининг раҳбари Е.Х.Цорхаева табриклашди. Сўнг “Экодром” республика экологик танловининг совриндорлари эълон қилиниб, экологик квест ўтказилди. Байрам Яшқўл районидаги каби Адик ва Эрдниевский поселкаларидаги мактаблар худудида кўчатлар экиш билан яқунланди.

Батафсилроқ маълумотни <https://vesti-kalmykia.ru.html>, <https://Zapvednik-chernyezemli.ru/>, <https://vkalmykii.com>да топиш мумкин

## Ўзбекистонда Сайғоқ куни

*Кристина Кузьмичева, “Экомактаб” Эколог-ресур маркази, [k.kristya\\_88@mail.ru](mailto:k.kristya_88@mail.ru)*

Қорақалпоқистонда “Сайғоқ куни” экологик байрами бир неча йиллар давомида нишонланади. У аҳолида ўз ўлкасининг табиатига нисбатан ватанпарварлик хиссини ва масъулиятли муносабатни шакллантиришга қаратилган. 2017 й. байрам, атроф муҳит муҳофазаси ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига амал қилиш учун масъул бўлган Республика давлат органларининг Орол олди худудида браконьерлик даражаси ўсишига эътиборини тортишга қаратилган, сайғоқ ҳимоясига марафон ўтказишдан бошланди.

Марафон 1 майда Нукусда бошланиб, бевосита «Сайгачий» ландшафтли заказникка яқин жойда жойлашган Қўнғрод районининг Қирқ-Қиз, Жаслик ва Қорақалпоғистон поселкаларида давом этди. Жами марафонда битта – сайғоқлар омон қолишига имкон бер вазифаси бирлаштирган, ҳар хил ёшдаги 1000га яқин одам иштирок этди. Марафон иштирокчиларининг айтишича, тадбир нафақат бирлаштирди, балки давомий ўтиш вақтида сайғоқлар ўзини қандай ҳис қилиши, ва бу “абдий



Жаслик посёлкасида Гала-концерт © SCA

мусофирлар”нинг, айниқса кўчиш даврида, муҳофазасини таъминлаш қанчалик муҳимлигини тушунишга имкон берди. Марафон яқунлангандан сўнг ғолибларни мукофотлаш ва байрам концертлари бўлиб ўтди. Нукусда концертда қорақалпоқ эстрадасининг юлдузлари, “ПРОГРЕСС” Таълим ва тараққиёт Марказининг рақс ансамбли, шунингдек Нукус ш., Қирқ-Қиз, Жаслик ва Қорақалпоғистон поселкаларидан чўл клубларининг аъзолари қатнашди. Болалар сайғоқ муҳофазасини тарғибот



Сайғоқ ҳимояси марафонида, унинг тақдирига бефарқ бўлмаган кўплаб инсонлар © SCA

қилиб, агитбригадалар танловида иштирок этди. Байрам якунида саҳнада, рамзий маънода қўшиқ эстафетасини ёш авлодга топширган, муаллиф Коблан Еденбаев ижросидаги “Сайғоққа Гимн” янгради.

Байрам арафасида Жаслик ва Қорақалпоғистон посёлкаларида анъанавий бўлиб қолган, катталар командаси – маҳалла, темир йўл, газкомпрессор станцияси вакиллари, ўқитувчилар ва катта синф ўқувчилари мусобақалашган, Сайғоқ кубоги бўйича мини-футбол ва волейбол бўйича ярим финал ва финал ўйинлари ўтказилди. Ўқувчилар катталарни “Тозалик қироли” акциясини ўтказиш билан кўплаб-қувватлаб, посёлкаларда 800 қоп ишлатилган пластик пакетлар ва бошқа маиший ахлат йиғдилар. Кейинроқ мукофотлаш маросимида болалар нафақат соврин ва рамзий Тозалик Қироли ва Қироличаси тожаларини олишди, балки эсдалик совғалари ва маҳалла кўмитасидан миннатдорчилик ҳам олдилар.

Сайғоқ кунининг тонги барча посёлкаларда сайғоққа гимн ижро этишдан бошланди. Жаслик посёлкасининг 54-сонли ва Қорақалпоғистон посёлкасининг 56-сонли мактабларида байрам мактаб эко-боғларини безаган, сайғоққа бағишланган фреска очилиши, чўл антилопаси ҳимоясига плакатлар, табиат ва иккиламчи материаллардан ясалган буюмлар танлови, эко-театр намоишлари билан давом этди. Қорақалпоғистон посёлкасида Сайғоқ кунини иштирокчиларини тақдирлаш маскарад костюмларидаги флеш-моб билан якунланди. Жаслик посёлкасида

Сайғоқ кунини байрам қилишга бу йил энг кичик ёшдаги болалар ҳам қўшилди. Болалар боғчаси тарбиячилари – “Ана сайгак”-“Сайғоқ Она” янги ташаббус гуруҳи аъзолари, болаларга сайғоқ ҳақида сўзлади, сўнг эса ўз тарбияланувчилари билан бирга сеҳрли сайғоқ тўғрисида ибратли эртак намоиш этишди. Ажойиб костюмларни кийган кичкинтойлар бой ва камбағал, сайғоқ ва махлуқ образларига тўлиқ киришиб, ҳақиқий артистлардек ижро этишди. Концерт дастури рақс ҳамда “Сайғоқчалар ва овчилар” ўйини билан якунланди, сўнг болалар боққа чиқиб, ўз кўллари билан гул экдилар. Шу кундан бошлаб, ҳар бир бола ўз гулига қарайди. Қирқ-Қиз посёлкасининг 37-сонли мактабининг энг кичик ўқувчилари кўплаб ижодий ва спорт танловларида қатнашди. Байрам якунлангандан сўнг, уларнинг ота-оналари кейинги йил албатта ўз фарзандлари билан бирга бўлишларини айтдилар.

Жаслик посёлкасидаги Гала-концерт ва Сайғоқ кунини иштирокчиларини мукофотлаш юзага келган анъанага кўра, посёлканинг 500га яқин аҳолиси йиғилган ёзги эстрадада бўлди. Бу йил совринлар ҳомийси сифатида посёлка кенгаши чиқиб, Сайғоқ кубоги ғолиблари ва финалистларини тақдирлаганини қувонч билан таъкидлаймиз. “Қуралай” анъанавий қорақалпоқ каштасини яратиш гуруҳининг иштироки байрам беазаги бўлди. Қизлар ўз маҳсулотлари намоишини ташкил қилди, ўз кўллари билан тиккан чиройли дўппиларни кийиб, анъанавий қорақалпоқ



Қорақалпоқстон посёлкасида Сайғоқ кубоги учун футбол ўйини © SCA

## Матбуотдан

рақсини ижро этди. Қорақалпоғистон поселкасидаги каби, тадбир умумий флешмоб билан якунланди!

Сайғоқни асраш бўйича альянс ва “Экомактаб” Эколог-ресурс марказидан ташқари Ўзбекистон экологик ҳаракати

Қорақалпоқ бўлими ва ЎзР ФА Қорақалпоқ бўлимнинг Табиий фанлар институти байрам тадбирларининг ҳамташкilotчилари бўлди. Тадбирлар ҚР Вазирлар Кенгаши ва Нукус ш. Хокимияти, WCN, Россия WWF ва “Uz-KorGazChemikal” МЧЖ ҚК кўмагида амалга оширилди.

## Сайғоқлар Россиянинг Астрахань областида чиқариб юборилади

Астрахань области “Степной” заказниги директори Владимир Калмиковнинг айтишича, 2017 й. ноябр охирида куйиқиш даврида “Астраханское” Давлат тажриба-ов хўжалигининг “Сайғоқ” питомнигидан Астрахань области “Степной” заказниги ҳудудига бешта эркак сайғоқни чиқариб юбориш режелаштирилмоқда. Ушбу тадбир, Шимоли-Фарбий Каспий олди ҳамда Волга-Урал популяция сайғоғи муҳофазаси бўйича махсус инспекция ташкил қилиниши билан бир қаторда, Астрахань областида Экология йили ўтказилишига бағишланган 130та режелаштирилган тадбир рўйхатига киради.

2003 й. ташкил қилинган “Сайғоқ” питомнигида ҳозирги пайтда 31та ҳайвон (9 – эркак ва 22 урғочи) сақланмоқда. Илк бор махсус бўйинбоғ тақилган иккита сайғоқ Астрахань областида 2013 йилда чиқариб юборилган (Saiga News-18га қар.). Ўшанда

йўлдошдан олинган маълумотлар ёввойи антилопалар уларни ўз подасига қабул қилганлигини тасдиқлаган.

Шимоли-Фарбий Каспий олди (Астрахань области ва Қалмоғистон Республикаси) ҳудудида яшайдиган сайғоқлар сони 4-4,5 мингтадан ошмайди, деб ҳисоблайди Владимир Калмиков. Бироқ соннинг камайиши тўхтаган, ўтган йили эса эркак сайғоқлар сони кўпайгани кузатилган, бу эса ҳайвонлар кўпайиши учун жиддий аҳамиятга эга. “Энди асосий вазифа – Шимоли-Фарбий Каспий олдида сайғоқ яшайдиган бутун ҳудудда уни асрашдир, бунинг учун эса, биринчи навбатда, барча жойда браконьерликни йўқотиш керак. Ўтган йили ҳудудимизда биронта ҳам табиатни муҳофаза қилиш тартибини бузиш ҳолати қайд қилинмаган”.

Батафсилроқ <https://punkt-a.info>, <http://fresh-news>, <http://jilkin.ru> да.

## Сайғоқ Дарвин музейида

2017 й. 4 апрелдан 25 июнгача Москвада Давлат Дарвин музейи – Европанинг энг катта табиий-илмий музейининг залларидан бирида, бу ноёб ҳайвон ва унинг тақдирига одамлар эътиборини тортишга қаратилган “Реликт антилопа сайғоқ” номли кўргазма очилди. Кўргазма, IFAW Халқаро ҳайвонлар ҳимояси фонди 25 йилдан ортиқ вақт давомида ҳар йили ўтказадиган болалар ва ота-оналар учун “Бир ҳафта ҳайвонлар ҳимоясига”

билим бериш лойиҳаси доирасида шу Фонд томонидан ташкил қилинган. Кўргазмага ташриф буюрувчилар туёқли ҳайвонларнинг ажойиб намунаси – сайғоқ ҳақида билиб олди, ноёб фото-ва видеоматериаллар билан танишди, ёш рассомлар ижодидан завқланди. Батафсилроқ <http://www.darwinmuseum.ru/projects/exhibition/reliktovaya-antilopa-sajgak> да.

## Мақолалар

### Майда кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ўлатдан ялпи нобуд бўлиши натижасида мўғул сайғоқ популяциясининг ҳолатини таҳлил қилиш

*Б. Чимедорж<sup>1\*</sup>, Б. Бувейбатар<sup>2</sup>*

*1 – Мўғул дастур офиси, Бутун жаҳон ёввойи табиат фонди, Улан-Батор, Мўғулистон; 2 – Ёввойи табиатни асраш жамияти, Мўғул дастури, Улан-Батор, Мўғулистон*

*\*Муаллиф-мухбир: Буяна Чимедорж, [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)*

Ғарбий Мўғулистондаги Катта Кўллар ҳавзаси ўзидан, қачонлардир Беринг бўғози орқали Еврооё ва Шимолий Америка ўртасида кўчиб юрган, аниқ ифодаланган эндемик кенжа тур мўғул сайғоғининг (*Saigatataricamongolica*) сўнгги бошпанасини ифодалайди. Ҳозирги пайтда кенжа тур фақат Шаргин-Гоби, Хусин-Гоби ва Дургун водийси, шунингдек Ғарбий Мўғулистондаги Катта Кўллар ҳавзасида учрайди (Amgalanetal., 2006). 2001-2002 йиллардаги қаҳратон қиш туфайли бу ҳайвонлар сони 750 зотгача қисқарди, бироқ ўтган йиллар ичида сайғоқлар популяцияси жиддий тарзда кўпайиб, 2016

йилга тахминан 10000 зотни ташкил қилган.

Афсуски, мўғул сайғоғининг келажаги ҳали ҳам хавф остида. Ҳозирги пайтда ҳайвонлар орасида, 90% сонини нобуд қилиши мумкин бўлган, peste-des-petits-ruminants (PPR) эпидемияси ёки майда кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ўлати авж олган. Вирус шимоли-ғарбдан жануби-шарққа қараб ҳаракатланмоқда, ва ҳозирги пайтда сайғоқ яшайдиган ҳудуднинг 60-70%га тарқаган. 2017 й. 6 феврал ҳолатига инфекциядан нобуд бўлган сайғоқлар сони 3000 зотни ташкил қилган. Экспертлар фикрига кўра ўлат яқин ойларда ҳали давом этади. Қизиғи шундаки, аввал ҳеч




«Степной» заказнигида эркак сайғоқ сувлоқда © Евгений Полонский


## Мақолалар (давоми)

қачон бу касаллик ёввойи туёқлиларнинг ялпи ўлимига олиб келмаган, эҳтимол, сайгоқлар бошқа ҳайвонлардан кўпроқ ушбу вирус таъсирига мойил бўлса ҳам.

2017 й. 13 дан 20 мартгача даврда мўғул сайгоғининг тарқалиши, мавжуд жойлари ва сони таҳлил қилинди. Натижаларни олдинги текширув маълумотлари билан солиштириш учун биз маршрут бўйлаб ҳисобга олиш усулидан фойдаланган ҳолда дала ишларини ўтказдик. Мўғул сайгоғининг бутун ареалида (14 713 км<sup>2</sup>) сонининг 1 км<sup>2</sup> га 0,34 зот ўртача зичлигида 4961 ҳайвон топилди. Бу маълумотларни шу ҳудуднинг ўзида 2017 й. 7 дан 13 январгача ўтказилган ҳисобга олиш натижалари (10 907 бош) билан солиштирганда популяция 54,5% га камайгани аниқланди. Яъни, эпидемия бошлангандан кейинги икки ой давомида ҳайвонларнинг ярмидан кўпи ҳалок бўлган (расм). Март давомида 65 ўлик сайгоқ топилган бўлиб, улардан 43% яқинда ўлган, ва ҳайвонларнинг нобуд бўлиши давом этмоқда (1-харита). Шунингдек учта сайгоқ



1 - харита. Март экспедицияси вақтида мўғул сайгоқларининг жасадлари топилган жойлар.



Расм 1. Мўғул сайгоқ популяцияси сонининг вақтда ўзгариши.


ва учта дзерендан намуналар олинди, уларнинг Давлат марказий ветеринария клиникасидаги таҳлили улардан бештасида PPR вирусига антижисмлар мавжудлигини кўрсатди. Ўлим сонининг камайишига қарамасдан, эпидемия тарқалиши босилган деб бўлмади, чунки ўлат етиб бормаган деб ҳисобланган регион – Шаргин-Гобида олинган намуналарда ҳам вирус қайд қилинган.

1998 й. Сайгоқни асраш бўйича дастур ишга туширилгандан сўнг бу ҳайвонлар ўз тарихий ареали ҳудудлари Завхан (Увс провинцияси), Дурвужин (Завхан провинцияси), Хухморит (Гоби-Олтой провинцияси) ва Дургун (Ховд провинцияси) сомонлари бўйлаб тарқалди. Дала текширувларини ўтказиш вақтида ҳам сонининг умумий баҳосига киритилмаган, бу бўлакланган популяцияларга мансуб сайгоқнинг атиги 201 зоти кузатилган. Дала текширувларини ўтказиш вақтида бу ҳайвонларда ўлат белгилари аниқланмаган (2-харита).

Асосий тавсиялар

1. Касаллик тарқалиш ҳудудларида карантин ўрнатиш, чорвачиларнинг ҳаракатлари устидан назоратни кучайтириш ва қоидаларга амал қилинишини таъминлаш.
2. Мўғул сайгоқлари ҳақида тушунарли ва тўлиқ мукамал ахборотга эга буклетлар чиқариш ва сайгоқ яшайдиган ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида тарқатиш.

3. Сайғоқларнинг куйиқиш ва қўзилаш ҳудудларини ҳимоя остига олиш, бунинг учун шу ҳудуд чегараларини белгилаш ва қўриқлаш режимини ўрнатиш зарур.
4. Мўғул сайғоғининг ДНКни пухта ўрганиб, уни асраш стратегиясини ишлаб чиқиш.
5. Касаллик тўлиқ енгилгандан кейинги давр учун ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва мўғул сайғоғининг реинтродукция имкониятини кўриб чиқиш, зарур бўлганда эса бу ҳайвонни унинг тарихий яшаш муҳитига реинтродукция қилиш.
6. Мўғул сайғоғи ареали чегарасида, маълум даврга бўри, тулки ва қорсақларни овлашни тақиқлаган ҳолда, ёввойи ҳайвонлар тарқалиши учун қулай шароитлар яратиш.
7. Яйловлардан фойдаланиш бўйича қонун ва қоидаларга амал қилинишини таъминлаш.



2 - харита. Мўғул сайғоғининг бўлақланган ареали

## Сайғоқларда майда кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ўлати

Ричард Кок, [rkock@rvc.ac.uk](mailto:rkock@rvc.ac.uk)

Қироллик ветеринария коллежи, Буюк Британия

Pestedespetitsruminants (PPR) ёки майда кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ўлати – ўта хавфли касаллик. Уни, ҳаводан осон юқадиган ҳамда бу касалликка чалинган туёқли ҳайвонларда нафас ва овқатни ҳазм қилиш тизимларини шикастлайдиган, жуда кичкина вирус келтириб чиқаради. Касаллик кўпроқ майда шохли уй ҳайвонларида тарқалади, бироқ ёввойи ҳайвонларга ҳам юқиши мумкин. Масалан, Осиё тоғларида яшовчи туёқлилар, хусусан, тоғ такалари ва нахурлар ўлатдан нобуд бўлган ҳолатлари учраган. Мана бир неча ўн йиллардан буён бу ҳалокатли касаллик бутун Африка ва Осиё ҳудудларида учраяпти. Бунда давлат ҳукуматлари ва халқаро молиявий жамоатчилик уни тўхтатиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаяпти.

PPR сайғоқлар учун хавфлилиги ҳақида 2014 йилдан буён янграётган (Kocketal 2014) огоҳлантиришларга қарамасдан, 2016 й. сентябрда



Доктор Мундкурен, Давлат марказий ветеринария лабораториясининг ходими, эркак сайғоқ жасадини ўрганмоқда (Хуйсин-Гоби, Ғарбий Мўғулистон) © Ричард Кок

Мўғулистонда уй ҳайвонларида унинг топилиши касаллик сайғоқларга юқиши мумкинлиги тўғрисида ҳеч қандай ташвиш туғдирмади. Ўлат уй ҳайвонларида

## Мақолалар (давими)



Гобида PPR эпизоотияси вақтида сайғоқ жасадларининг ёқиши © Ричард Кок

аниқланганда, БМТ (ФАО) Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг техник консультантлари 10,4 миллион майда шохли уй ҳайвонларига зудлик билан вакцинация ўтказиш зарурлигини тўғри таъкидлашди. Дастур амалга оширилди, бироқ ёввойи ҳайвонларни ҳимоялаш буйича превентив чоралар кўрилмади. Вакцинация касалликни босди, бироқ вирус тарқалишини тўхтата олмади. 2016 й. 22 декабрда Хуйсин-Гоби чўлида вирус мўғул сайғоғининг кичик популяциясини (*Saigatataricamongolica*) зарарлади. Яшаш муҳити чегараланган бўлиб, яйловлар учун туя, от ва майда шохли ҳайвонлар билан рақобатлашишга мажбур бўлган, бу ҳайвонлар айниқса касалликдан ҳимояланмаган. Бундан ташқари, вазият жуда кўп қор ва паст ҳарорат ( $-30^{\circ}\text{C}$ дан паст) туфайли янада мураккаблашди. Буларнинг барчаси вируснинг тез тарқалишига имкон берди.

ФАО ва Бутун жаҳон ҳайвонлар соғлигини сақлаш ташкилотининг ташаббусига кўра дархол кризиснинг олдини олиш буйича команда ташкил қилинди. 18 январда, автомобилда Улан-Батордан икки кунлик юришдан сўнг, экспедиция воқеа жойига етиб келди. Олимлар эпизоотия энг авжига чиққанлигини хабар қилишди. Экспедиция маълумотларига кўра, январ охирига касаллик ва ўлим ҳолатлари популяция тарқалишининг деярли бутун ҳудудда қайд қилинган, апрелга эса ҳайвонлар сони икки баравар (5 000 зотгача) қисқарди. Мутахассислар ўлимларнинг кўп қисми ўлат тарқалиш оқибатида бўлганлигини

тасдиқлашди, шунингдек сибирь тоғ такаси (*Caprasibirica*) ва жайроннинг (*Gazellsubgutorosa*) бу касаллик билан касалланиши биринчи ҳолати ҳақида хабар беришди. Сайғоқлар ўртасида юқори ўлим сони жиддий ташвишга солади: бу ё сайғоқлар ушбу вирусга ўта сезгирлигини (табiiй шароитларда ўрганилган африка антилопаларининг кўпига нисбатан), ёки яшаш муҳити қисқариши ва яйловлар учун бошқа ҳайвонлар билан кескин кураш олиб бориш зарурлиги оқибатида юзага келган, озуқа етишмовчилиги туфайли организмларининг инфекцияга қаршилиқ кўрсатиши пасайганлигини билдиради. 2015 й. Қозоғистонда геморрагик септицемиядан 200 000 сайғоқ нобуд бўлиши туфайли тур тақдири янада аянчлироқ кўринади.

Уй ҳайвонларидан ёввойи ҳайвонларга PPR юқиши ҳоллари вирусни назорат қилиш ҳамда уй ҳайвонларидан ёввойи ҳайвонларга ва тескари трансмиссиясига йўл қўймаслик жуда зарурлигини тасдиқлайди. Яна озгина бўлса, уй ҳайвонларидаги ҳар қандай эпизоотия, усиз ҳам браконьерлик ва яйловларни бошқа ҳайвонлар билан бўлишиш



Хуйсин-Гобида кризиснинг олдини олиш буйича қўшма экспедиция, 2017 й. январь. Орқа қатор: чапдан ўнгга: Б. Бувейбатар (WCS); Проф. Кок (Қироллик ветеринария коллежи, Лондон); Д-р Болортуя (ФАО ООН); Д-р Энхтувшин (WCS); ж-б Аруинбатар (WCS), Д-р Батхуаг (VABA – давлат ветеринария хизмати); Олд қатор: чапдан ўнгга: Ж-б Тсенд-Ауйш (WCS); ж-б Октябри (ФАО) ва ж-б Батсайхан (Сайғоқни асраш жамияти, Дарвисум, WWF). © Мунхдурен





Эпизоотия вқтида топилган, очликдан ўлаётган сайғоқ © Ричард Кок

зарурлиги туфайли жуда оғир вазиятда бўлган ёввойи туёқлиларга жиддий хавф солади. Охириги эпизоотия мўғул кенжа турни йўқолиш чегарасига қўйди, ваҳоланки Қозоғистонда сайғоқларни ўлдирган геморрагик септицемияга нисбатан майда кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ўлати билан курашиш деярли осон – фақат уй ҳайвонлари орасида касаллик тарқалишини назорат қилиш керак (асосан вакцинация ёрдамида).

Сайғоқларнинг жуда кўпи зарарланган ва нобуд бўлган, архарлар, тоғ такалари ва жайронлар орасида ҳам ўлим ҳолатлари мажуд, шунингдек икки миллионлик мўғул дзерен популяциясига вирус юқиш эҳтимоли мавжуд. Буларнинг барчаси миллий ва халқаро даражада касалликка қарши курашишнинг кечиктириб бўлмайдиган чоралари ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. Мўғулистон аҳолиси қийинчиликларни енгишни билади ва анъанага кўра табиатни авайлайди. Тўғри ёндашишда бу муаммони биргаликда ҳал қилиш мумкин, бироқ, бунинг учун сиёсий ирода ҳамда халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва ҳомий ташкилотлар кўмаги зарур.

Миннатдорчиликлар: Биз ФАО БМТ қутқарувчилар командаси ва Бутун жаҳон ҳайвонлар соғлигини сақлаш ташкилотига; Мўғулистон ҳукумати ҳамда Улан-Батор ва Олтой-Гоби аҳолисига, хусусан, ветеринария хизматлари ва ИИЧБ ходимларига – фидокор табиат ҳимоячиларига; Ёввойи табиатни асраш жамияти ва Сайғоқни асраш бўйича альянсга; тадқиқотчи-олимлар ва Қироллик ветеринария коллежининг ходимларига миннатдорчилик билдирамыз.

## Тарихий ареал, Хитойда сайғоқнинг қирилиши ва реинтродукция истиқболлари

*Шаопэн Цуй<sup>1,2</sup>, Э. Дж. Милнер-Гулланд<sup>3</sup>, Навиндер Дж. Сингх<sup>4</sup>, Хунцзюнь Чу<sup>5</sup>, Чуньван Ли<sup>1,2</sup>, Цзин Чэнь<sup>1,2</sup> и Жиганг Жианг<sup>1,2\*</sup>*

*1 – Ҳайвонлар экологияси ва табиатни муҳофаза қилиш биологияси бош лабораторияси, Зоология институти, ХХР Фанлар академияси, Пекин, Хитой; 2 – ХХР Фанлар академияси қошидаги Университет, Пекин, Хитой; 3 – Оксфорд университетининг Зоология кафедраси, Оксфорд, Буюк британия; 4 – Швеция Қишлоқ хўжалик фанлари Университетининг Ёввойи табиат, ихтиология ва экологик тадқиқотлар кафедраси, Умео; 5 – Синьцзян университети қошидаги Табиат ресурслари ва экологик фанлар коллежи, Синьцзян, Хитой.*

*\*Муаллиф-мухбир: Чжиганг Цзян, [jiangzg@ioz.ac.cn](mailto:jiangzg@ioz.ac.cn)*

Қачондир сайғоқлар Шимоли-Ғарбий Хитой ҳудудида кенг тарқалган эди. Анъанавий хитой тиббий рецептларининг компонентлари сифатида сайғоқ шохлари ишлатилганлиги ҳақида ёзма гувоҳликлар 2 000 йил олдин пайдо бўлган. XX асрнинг

50-чи йй. Хитойда сайғоқ популяциясининг сони кескин камая бошлади, ва оқибатда, ҳайвонларни назоратсиз отиш, яшаш муҳитининг қисқариши ва кўчиш йўлларида тўсиқлар пайдо бўлиши натижасида тўлиқ қирилиб кетди. Турни тиклаш мақсадида

## Мақолалар (давими)




1-расм. Хитойда сайғоқларнинг тарихий тарқалиши (қалин қора чизик). Пунктир чизик билан мўғул сайғоқ кенжа турининг тарихий ареали белгиланган. УЙХЁҲҚМ (УЦРУДЖ) Хитойдаги сайғоқ ареали чегараларидан узоқда жойлашганлигига аҳамият беринг


1987 й. Хитойнинг Ганьсу провинциясида Увэй йўқолиш хавфи бўлган турдаги ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш маркази (УЙХЁҲҚМ) (ҳозирда – Ганьсу йўқ бўлаётган ҳайвон турларини асраш маркази) ташкил қилинди. Популяция ядроси Марказга 1988 йилдан 1991 йилгача Сан-Диего ҳайвонот боғидан ва Берлин ҳайвонот боғидан олиб келинган 11та катта сайғоқ, шунингдек 1997 й. Қалмоғистондан олиб келинган битта ёввойи сайғоқчадан шакллантирилган эди.

Ҳозирги пайтда УЙХЁҲҚМда 170дан ортиқ ҳайвон яшайди. Бироқ асосчи эффекти, чегараланган майдон ва бу ёпиқ популяция ичидаги инбридинг натижасида, шунингдек қаҳратон қиш ва касалликлар туфайли унинг сони мунтазам ва жиддий ўзгаради. Масалан, 2000 й. УЙХЁҲҚМда ҳайвонлар сони 77% га 9 зотгача қисқарди.

Ҳозирги вақтгача ҳайвонларни табиий муҳитга реинтродукция қилишга уринишлар бўлмади. Реинтродукция буйича дастурни режалаштириш ва амалга оширишдан



2-расм. Баҳор, ёз ва қиш мавсумларида сайғоқ яшаши учун шартли равишда яроқли бўлган Хитой областлари. Ушбу схемага қараганда, Хитойда сайғоқлар реинтродукцияси учун мавсумий ареалларнинг бир биридан узоқлиги, бу эса сайғоқ популяциясининг яшаши учун жуда катта ҳудудлар ажратилишини тахмин қилиши асосий тўсиқ ҳисобланади. Рақамлар билан ушбу тадқиқотда ёдга олинган географик ҳудудлар белгиланган: 1. Алашанькоу; 2. Тачэн; 3. Зимунай-Каба; 4. Эби-Нур кўли; 5. Балхаш кўли; 6. Алаколь кўли; 7. Зайсан кўли; 8. Манас кўли



3-расм. Увэй йўқолиш хавфи бўлган турдаги ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш марказида сайғоқлар популяция сонининг ўзгариши

аввал, ҳайвонларнинг тарихий ареалини ўрганиш ва сайғоқ яшаши учун потенциал яроқли майдонларни аниқлаш зарур. Бироқ Марказий Осиё мамлакатларидан фарқли равишда Хитойда сайғоқларнинг олдинги яшаш жойлари ҳамда ҳайвонлар сони қисқаришининг уларнинг тўлиқ йўқолишигача вақтинчалик динамикаси ўрганилмаган. Шунингдек бу антилопаларнинг қўшни мамлакатларга мавсумий кўчиш тарихий маршрутлари ўрганилмаган, ва ҳозирги пайтга сайғоқ яшайдиган жойларда шаклланган шароитларни ҳисобга олган ҳолда, реинтродукция қилинган ҳайвонлар омон қолиши ёки қолмаслиги аниқланмаган. Бундан ташқари, Хитой ҳудудида тарихий тарқалган сайғоқнинг қайси кенжа турга мансублиги ҳақидаги мунозарали масала бўлиб қолмоқда. Айрим тадқиқотларга кўра Хитойда қачондир ё турнинг ягона намунаси сифатида, ёки бошқа номинатив кенжа тур билан бир қаторда сайғоқнинг мўғул кенжа тури яшаган.

2017 й. ScientificReportsда чоп этилган мақолада биз сайғоқнинг тарихий ареалининг ва Хитойда унинг реинтродукцияси учун потенциал ҳудудларнинг схематик таърифини тақдим этдик, бунинг учун адабий манбаларни ўргандик, интервью ва прогнозли моделлаштиришни амалга оширдик. Барчаси бўлиб XIX аср охиридан XX аср 50-чи йилларигача даврни қамраб олган, фақат Saigatataricatarica кенжа турга тегишли 28та тарихий гувоҳликлар топилди. Maxent® дастури ёрдамида

аниқланган сайғоқлар реинтродукцияси учун яроқли мавсумий яшаш жойлари бир бирдан узоқда бўлиб чиқди; хусусан, ҳайвонлар қишлаши учун тўғри келадиган, Или дарёси водийсидаги потенциал ҳудуд баҳор-ёз даврида сайғоқ кўчиши мумкин бўлган ҳудудлардан Тянь-Шань тоғ тизими билан ажратилган. Бундан ташқари, Хитойдаги сайғоқ тарихий ареали биоклиматик кўрсаткичларининг кўпроқ қисми Қозоғистондаги бетпақдала популяциясининг ҳозирги тарқалиш жойларидаги шу кўрсаткичлардан жиддий тарзда фарқланади. УЙХЁҲҚМ атрофидаги район ҳам табиий шароитлар ва экологик кўрсаткичлар бўйича ҳайвонлар реинтродукцияси учун идеал жой ҳисобланади.

Бундан ташқари, биз ҳайвонларнинг тарихий жиҳатдан иккита ҳар хил кўчиш – доимий маршрут бўйича кўчиш ва тасодифий кўчишлар схемаси бўлган деб тахмин қиламиз. Ўрганишларимизнинг натижалари Хитойда ўзини ўзи қўллаб-қувватлайдиган ва эркин кўчиб юрадиган сайғоқ популяциясини тиклаш қанчалик мураккаблигини кўрсатади. Тавсияларимизга асосан, Синьцзян провинциясининг шимолидагп, шу ҳайвонларнинг потенциал яшаш жойларидаги қўриқланадиган ҳудудларда сайғоқларни кўпайтириш бўйича қўшимча марказлар ташкил қилиш, ва келажакда



Увэй йўқолиш хавфи бўлган турдаги ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш марказидаги (УЙХЁҲҚМ) сайғоқлар (ҳозирда – Ганьсю йўқ бўлаётган ҳайвон турларини асраш маркази Жиганг) © Жиганг Жианг

## Мақолалар (давони)

ХХР ҳукумати даражасида бу биологик турни тиклаш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш зарур.

Изоҳ: ScientificReports журналида чоп этилган мақоланинг тўлиқ версиясини <http://www.nature.com> да топишингиз мумкин

### Атирау областида (Қозоғистон) Волга-Урал популяцияси сайфоғининг кичик ҳудудий гуруҳини асраш тажрибаси

*Владимир Терентьев<sup>1</sup>, Марк Пестов<sup>2\*</sup>*

*1 – Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси; 2 – “Дронт” Экологик маркази*

*\*Муаллиф-мухбир: Марк Пестов, [vipera@dront.ru](mailto:vipera@dront.ru)*

Қозоғистон Республикаси Атирау областининг Исатай районидаги Каспий денгизи шимолий соҳилида (1-расм) 50 минг гектар майдонда 50 йилдан ортиқ вақт олдин ов хўжалиги ташкил қилинган эди. Ов хўжалигининг шимолий чегараси Атирау-Астрахань трассасидан тахминан 30 км жанубга ўтади ва жойида фақат ахборотли ёрликлар билан белгиланган. Бу ерда рельеф текис, ўсимлик дунёси, асосан, шувоқ-бошоқли ва шўр тупроқ ўсимликлардан иборат, денгиз соҳили бўйлаб ва пастликларда кенг қамишзорлар ва алоҳида тамариск буталари кузатилади. Сут эмизувчилардан ов хўжалиги ҳудудида, сайфоқдан ташқари, ёввойи чўчқа, кул ранг қуён, бўри, тулки, қорсақ, енотсимон итлар яшайди. Қушлар, асосан, сув олдида яшайдиган турлар мажмуидан иборат. Бироқ ушбу ҳудудда ботаника ва зоологияга оид тадқиқотлар ўтказилмаган.

Афсуски, техник имкониятлар мавжуд эмаслиги туфайли ов хўжалигида сайфоқларни ҳисобга олиш етарли даражада ўтказилмаган. Ов хўжалиги атрофида чорвачилик нуқталари бўлиб, ов ерларининг атрофи ўралмаган ҳудудларига мунтазам равишда уй ҳайвонлари кирганлиги сабабли, одатга кўра, сайфоқлар сонини ҳисоблаш учун ҳисобга олувчилар, антилопалар уларга хотиржамлик билан қарайдиган туяларда яқинлашган. Ушбу ҳудудда сайфоқлар (9та зот) биринчи марта 1995 й. 5 декабрда рўйхатга олинган. Ҳайвонларнинг максимал сони (тахминан 350та зот) 2011 й. кузатилган. 2017 й. май ҳолатига сайфоқлар сони бу ерда тахминан 30-40та зот деб баҳоланади. Ов хўжалиги ходимларининг фикрига кўра,

мана 20 йилдан ортиқ вақт давонида бу туёқлилар мунтазам ушбу ҳудудда бўлиб, шимолий чегараси 25 км га тенг бўлган, денгизга тушадиган 16 км ли учбурчак шаклидаги участкада ихчам яшаган ҳолда, унинг чегараларидан деярли чиқмайди. Сайфоқларнинг бу гуруҳи Волга-Урал популяциясининг асосий ареалидан жанубга атиги 170 км да яшашига қарамасдан (1-расм), йўлдошли бўйинбоғлар билан белгиланган ҳайвонларни кузатишнинг дастлаб натижалари бу гуруҳнинг ўтроқлигидан далолат бериши мумкин. Бу ишлар 2015-2016 йй. НКОК (Норт Каспиан Оперейтинг Компани) компаниясининг молиявий кўмагида Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси ходимлари томонидан амалга оширилган. Икки йил давонида мутахассислар бўриларга ўлжа бўлган ҳайвонлар ўлими сабабли, олинадиган маълумот ҳажми секин-аста камайишини қайд қилган. Ҳозирги пайтда барқарор сигнал фақат биттагина 2016 й. белги қўйилган урғочи сайфоқдан келмоқда.

Ушбу гуруҳ тўлиқ ажратилган ҳисобланмайди, чунки ов хўжалиги ходимларининг маълумотларига кўра 2008 й. декабрда Волга-Урал оралиғининг шимолий районларидан келган асосий популяциядан 9та эркак сайфоқ унга қўшилган. Шу билан бирга, бунга ўхшаш контактлар жуда кам бўлиши шубҳасиз. Эпизоотия оқибатида ҳайвонларнинг ялпи ўлими сабабли Волга-Урал популяцияси сонининг фожиали қисқариши кузатилган 2010-2011 йй., ҳайвонлар ўлими кўп бўлмаганлиги бунинг билвосита тасдиғидир.

Эҳтимол, узоқ келажақда, мавсумий узоққа кўчиши кузатилмайдиган ушбу гуруҳ сайғоқлари, турнинг бошқа тарихий ареал қисмларига реинтродукция қилиш учун, шунингдек чўл антилопаларини кўпайтириш бўйича тажрибалар ўтказиш учун қимматли генофонд манбаи бўлиши мумкин эди.

Ов хўжалиги ходимлари унинг, ярим оролда нисбатан ажралиб туришини таъминлайдиган тарзда қулай жойлашгани; бутун соҳил бўйлаб ўтадиган, сайғоқлар сувлоқ учун фойдаланадиган чучук сувли ирригацион Забурун каналининг мавжудлиги; яхши озуқа базаси; ов хўжалиги ходимлари томонидан ҳудуднинг қўриқлаш тартибининг таъминланиши ва биотехник тадбирлар (қиш мавсумида сайғоқларни пичан билан қўшимча озиқлантириш ва бўрилар сонини тартибга солиш) ўтказилиши сайғоқларни ушбу ҳудудда ушлаб турган қулай омиллар деб ҳисоблайди.

2013 й. майгача ов хўжалиги ҳудудида сайғоқлар борлигини фақат бир неча киши билганлигини ва бу ҳар йили сони кўпаяётган сайғоқлар учун тинчликни таъминлаганлигини таъкидлаш лозим. Афсуски, “Ак Жайик” область газетасида чиққан, унда ов хўжалиги директори Асилтек Испусинов сайғоқларни асраш тажрибаси билан бўлишган мақола чоп этилгандан сўнг вазият ёмон томонга ўзгарди. Браконьерлик ҳолатлари юзага келди, бунга эса, хусусан, сертармоқ тупроқ йўллар имкон берди, ва гуруҳ сони қисқара бошлади. Ов хўжалиги ҳудудидаги сайғоқлар учун 2014 й. декабрь фожиали бўлди, унда браконьерлар битта киришда сайғоқлар сонининг кўп қисмини олиб чиқиб кетди. Афсуски, жиноятчилар топилмади. Ов хўжалигининг энг зўр егерларидан бири – Шамуратов Гайнолли Изимовичнинг – бевақт ўлими билан сайғоқни муҳофаза қилиш ҳолати анча ёмонлашди.

Ҳозирги пайтда ов хўжалиги молиявий қийинчиликларни бошдан кечириб, бу,



2015 й. феврал ойида Атирау областида ов хўжалиги ҳудудидаги сайғоқ.  
© Жасулан Кужеков

хусусан, сайғоқлар муҳофазасига таъсир қияпти. Ов хўжалигининг қўриқлаш тартибига амал қилиш учун ҳар бири икки кишидан иборат бўлган иккита оператив гуруҳ томонидан кечаю-кундуз қўриқлашни ташкил қилиш, шунингдек қўшимча жиҳозлар: навигаторлар, видеорегистраторлар, оптика, фототузоқлар харид қилишдан иборат, зудлик билан шошилиш чоралар кўрилиши талаб этилади. Ҳайвонларни кузатиш ва уларни қўриқлаш учун кузатиш вишқасини ўрнатиш жуда муҳим. Бу ресурслар мавжудлигида ушбу гуруҳ сонини яна бир неча юз зотгача кўтариб, экологик туризм ташкил қилиш мумкин бўлар эди, бунга эса Астрахань – Атирау автомобил йўлининг таъмирланиши имкон бериши мумкин.

Мақола якунида шуни таъкидламоқчи эдимки, кўпроқ айнан Асилтек Испусиновнинг уринишлари туфайли сайғоқлар доим ушбу ов хўжалиги ҳудудида яшайди. Бу инсоннинг ишга содиқлиги ва ғайратини тан олган ҳолда, 2016 й. уни Атирау областининг овчилар ва балиқчилар жамияти раиси қилиб сайлашди. Унга топширилган ов хўжалиги ходимлари кейинчалик ҳам сайғоқни асраш учун ўз кучларини сарфлашга тайёрлар, бироқ улар ёрдамга муҳтож ва бу ноёб ҳайвонни ўрганиш, оммалаштириш ва муҳофаза қилишга манфаатдор бўлган барчани ҳамкорликка таклиф қиламиз.

## Мақолалар (давими)

### Сайғоқ популяциясини тиклашда “халқаро институтлар”нинг роли

*Ирина Новак, biodiversity@tut.by Университет Фрайбургга, Германия*

#### **Кириш қисми**

Сайғоқ популяцияси сонини муҳофаза қилиш ва тиклаш замонавий жараёни 20 йилдан ортиқ даврни ташкил этади. Ва аввалгидек тур критик хавф остидаги тоифаларга киришига қарамасдан, унинг ҳолати 1990-чи йй. охирига нисбатан жиддий тарзда яхшиланганлиги шубҳа туғдирмайди. Бунинг орқасида браконьерликка қарши курашиш, АҚТХ тармоғини ривожлантириш, кўплаб табиатни муҳофаза қилиш ва билим бериш лойиҳаларини амалга ошириш, илмий тадқиқотлар ва мониторинг ўтказиш учун катта куч сарфлаган кўплаб инсонларнинг улкан иши турибди.

2006 й. ҳудудида бу тур яшайдиган барча мамлакатлар томонидан имзоланган, Кўчувчи турларни асраш буйича конвенция котибияти томонидан мувофиқлаштириладиган сайғоқни асраш, тиклаш ва турғун фойдаланишга нисбатан Ўзаро англашув меморандуми (MoV)нинг кучга кириши популяциялар ҳолатини яхшилаш жараёнидаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Натижалари бошқа кўчувчи турларни тиклаш учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ушбу ўрганиш иши MoVнинг айнан сайғоқ популяциясини тиклашда ўйнаган ролига бағишланган.

#### **Назарий асос**

Ушбу тадқиқотга “халқаро институтлар” фаолиятини ўрганувчи халқаро “режимлар” (ингл. regimetheory) назарияси асос бўлди. Институтлар деганда “ўйин қоидаларини” белгилайдиган қонун, қоида ва меъёрлар тушунилади. Бирор бир аниқ муаммони ечишга қаратилган “халқаро институтлар” (сайғоқ буйича MoV каби) ўзидан “халқаро режимлар”ни ифодалайди. “Халқаро режим” қоидаларини амалиётда амалга ошириш учун, кейинчалик барча жалб қилинган томонлар – давлат ташкилотлари, ИИЧБ, илмий ташкилотлар, экспертлар ва ҳ.к. ишига таъсир кўрсатадиган қўшимча механизмлар ишлаб чиқилади.

#### **Методология**

1994 дан 2016 йй. даврда сайғоқ популяцияси сонининг тикланиш тарихини ўрганиш MoV имзолаган томонлар учрашуви учун тайёрланган ҳужжатларни, КМВ, СИТЕС, МСОП ҳужжатларини, Сайга Ньюс сонларини, илмий мақолаларни ва бошқаларни таҳлил қилиш усули билан амалга оширилди. Сайғоқни асраш билан шуғулланадиган экспертларнинг интервьюлари жуда муҳим ахборот манбалари бўлди.

#### **Натижалар**

Сайғоқ популяцияларини асраш ва унинг сонини тиклаш буйича халқаро ҳаракатларни бир нечта босқичга ажратиш мумкин. 1990-чи йй. охиридан 2002 йилгача даврни ўз ичига олган биринчи босқич, “халқаро режимлар”нинг асосий қоидалари шаклланиши билан боғлиқ. 2002 йй. 5-10 майда Қалмоғистон Республикасининг Элиста ш. ўтказилган Сайғоқни асраш буйича халқаро йиғилиш унинг якунловчи аккорди бўлди ([http:// biodiversity.ru/programs/saigak/meeting.html](http://biodiversity.ru/programs/saigak/meeting.html)). 2002 дан 2006 йилгача давр, ҳудудида сайғоқ яшайдиган барча мамлакатларнинг расмий вакиллари ўртасидаги музокаралар босқичи бўлиб, MoV имзоланиши ва “режим”нинг расмий шаклланиши билан якунланди. 2006 дан 2016 йилгача давр “режим”нинг географик ва таксономик кенгайиши, шунингдек ҳамкорлик ташкилотларининг кўпчилиги ўртасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш босқичи ҳисобланади.

Тадқиқот Қозоғистон ҳудудидаги учта (урал, бетпақдала ва устюрт) сайғоқ популяциясини ўрганишга қаратилган. Турни асраш буйича чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида ҳам маълум босқичларни кузатиш мумкин. Мисол учун, бошланғич фаза 1990-чи йиллардан 2003 йилгача даврни ўз ичига олади. Бу вақтда овга миллий тақиқлар қўйилади; бундан ташқари табиатни муҳофаза

қилувчи ИИЧБ турни асрашга қаратилган илк лойиҳаларни амалга оширишни бошлайди. Кейинги уч йил ўзидан, сайёғоқни асраш бўйича илк миллий дастур ишлаб чиқилган ва браконьерликка қарши курашишга қаратилган тадбирлар молиялаштирилишини кўпайтирган трансформация фазасини ифодалайди. Шу билан бир вақтда ИИЧБ томонидан амалга оширилаётган ташаббуслар сони ортади, шунингдек Олтин Дала Табиат муҳофазаси ташаббуси (ОДТМ-ПИАД <http://acbk.kz/ru/pages/6339.html>) шаклланади. Шундай қилиб, бу даврда сайёғоқ камайиши муаммосига ёндашув ўзгаради: фаол табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатлари бошланади.

Кейинги босқич 2007–2010 йй. даврини қамраб олади. Бу барча жалб қилинган мамлакатлар томонидан бошланган ҳаракатларни ривожлантириш ва кучайтириш вақти; бироқ, бунда улар турнинг асосий хавфи сифатида браконьерликка қарши ҳаракатларга қаратилган. 2010-чи йй. бошида кўшимча муаммолар кескинлашуви кузатилади: бу 2010–2013 ва 2015 йй. сайёғоқларнинг ялпи ўлими, шунингдек кўчиш йўлларида чизикли инфратузилмани, жумладан Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги чегара тўсиқлари қурилишининг ривожланиши. Бу даврни ушбу муаммоларга биргаликда қарши ҳаракат қилиш босқичи деб белгилаш мумкин, чунки у кўплаб иштирокчилар томонидан биргаликда амалга оширилаётган шошилинич жавоб чораларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан тавсифланади.

### Таҳлил

“Халқаро режим” шаклланиши ва ривожланиши сайёғоқни асраш учун, кейинчалик турни тиклаш жараёнининг муҳим компонентлари бўлиб қолган, бир қатор механизмлар яратишга имкон берди. Биринчи навбатда, бу, сайёғоқнинг бутун ареали ҳудудида унинг ҳолати тўғрисида ва ҳар бир популяция учун энг муҳим хавф тўғрисида мунтазам янгиланаётган ахборотни тақдим этаётган Ҳисобот,

шунингдек унга асосланган, ҳар беш йилда шаклланаётган ўрта муддатли халқаро ишчи дастур. У, ўз навбатда, ўзидан, жалб қилинган томонларга ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва шу тарзда уларнинг самарасини оширишга имкон бераётган ягона ҳаракатлар режасини ифодалайди.

Халқаро ҳаракатларнинг бошқа натижалари орасида коммуникация ва ҳисобот механизмлари яратилишини ажратиш мумкин. Уларга, масалан, миллий ва лойиҳа ҳисоботлари, шунингдек Сайга Ньюсдаги нашрлар киради. Мунтазам ахборот алмашиш инсонларга бир бидан ўрганишга ёрдам беради, шунингдек уларга яхшироқ натижаларга эришиш учун туртки бўлади.

“Халқаро институтларнинг” касаллик тарқалиши ва мавжуд чизикли инфратузилма таъсирининг салбий оқибатларини минималлаштирилишини назорат қилиш чораларини ишлаб чиқишга қўшган ҳиссаси ҳам жуда муҳим. У экспертларни жалб қилиш, молиялаштириш манбаларини қидириш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва қарорлар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Муаммонинг шакллантирилишига, яъни сайёғоқ сони қисқариш жараёни жиддий экологик ва ижтимоий муаммо сифатида тушунилишига халқаро институтлар қўшган ҳиссаси муҳим натижалардан бири бўлди. Бунга МСОП Қизил китоблари ёрдам берди. Ниҳоят, МоВ доирасида мунтазам учрашувлар ўтказилиши, ҳамкорликни кучайтиришга, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун кучларни бирлаштиришга ёрдам берган ҳолда, сайёғоқни асраш бўйича ноформал жамият иштирокчиларининг ишини қўллаб-қувватлайди. Қозоғистонда барча учта популяцияларда ишлаш мақсадида ОДТМ кенгайтириш тўғрисидаги яқинда қабул қилинган қарор бундай ҳамкорликнинг энг ёрқин мисолларидан бири бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, таҳлил халқаро институтлар фаолияти сайёғоқни асраш бўйича ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун

## Мақолалар (давومي)

энг муҳим омиллардан бири эканлигини кўрсатди. Бу жараёнга таъсир кўрсатувчи бошқа муҳим омилларга: турнинг потенциал иқтисодий аҳамияти, ўз вақтида унинг ўрганилишини бошлаш ва унинг йўқолиш муаммосига эътибор қаратиш, шунингдек бу жараённинг кўп сонли иштирокчиларининг, жумладан давлат органлари, ИИЧБ, тадқиқот институтлари,

экспертлари ва бошқ. фаол иши киради.

Ушбу тадқиқот, биринчи навбатда унга бевосита маҳаллий аҳолини жалб қилиш ҳисобига, сайфоқни асраш жараёнининг иштирокчилари доирасини янада кенгайтириш имкониятини ўрганишни таклиф этади.

Тўлиқ ҳисоботни сўровномани [biodiversity@tut.by](mailto:biodiversity@tut.by) га юборган ҳолда, олиш мумкин.

### Ўзгаришлар назариясини Ўзбекистонда Сайфоқни асраш бўйича альянс ишидаги табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига таъсирини баҳолаш усули сифатида текшириш

*Кирсти Симкин, Оксфорд Университети. [kirsten.simkin@some.ox.ac.uk](mailto:kirsten.simkin@some.ox.ac.uk)*

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишида таъсирни сифатли баҳолаш зарурати мавжуд. Шу сабабдан табиатни муҳофаза қилиш ташаббусларини баҳолашнинг энг оқилона усулини излаш иши янада жадалроқ ўтказилмоқда. Бироқ кўпинча бу усуллар жуда катта вақт ва маблағ сарфини талаб қилиб, кичик ИИЧБ учун оғирлик қилади. Ўзгаришлар назарияси эса бундай ИИЧБга баҳолашни тез ва самарали бажаришга имкон беради. Биз ўзгаришлар назарияси ёрдамида Ўзбекистонда Сайфоқни асраш бўйича альянс ишининг таъсирини баҳолашни амалга оширдик.

тушунтирадиган назария” сифатида аниқлаш осонроқ. Аниқроқ таърифга асосан, бу, улар асосида узоқ муддатли истиқболда маълум мақсадга эришишга имкон берувчи алоҳида ҳаракатлар бажариладиган ва шу ҳаракатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда ташаббус ёки дастурнинг амалга оширилиш натижаларини тушунтирадиган бошланғич тахминлар тўпламини таърифлаш усули. ЎН бажариш жараёни ўзидан режалаштириш, бажариш ёки индивидуум, ташкилот ёки жамият даражасида ўзгаришларни баҳолашнинг назарияга асосланган ёндашувини ифодалайди. Ўзгаришлар назариясидан ўзгармас, дискуссияга асосланган таҳлил

Ўзгаришлар назариясини (ЎН) “бирор бир ташаббус қандай ва нега ишлашини

Ўндаги асосий тушунчалар:


Тадбирлар	Хавфни камайтириш ёки имкониятларни кўллаб-қувватлашга қаратилган маълум ҳаракатлар.
Маҳсулот	Ташаббус доирасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг бевосита ва ўлчанадиган натижалари.
Натижалар	Лойиҳа доирасида маҳсулот яратилишига олиб келадиган оралик натижалар.
Таъсири	Ташаббуснинг янада кенгроқ ва давомийроқ истиқболдаги натижалари, шунингдек янада глобал мақсадларга эришишда ташаббус ҳиссаси.
Тахминлар	Ўзгариш жараёнининг илк ва ўрта босқичларидаги узоқ муддатли ўзгаришлар учун дастлабки шартлар ўртасидаги алоқани ҳам, таклиф қилинган ташаббуслар шу ўзгаришларга олиб келиши керак бўлган кутилаётган сабабларни ҳам, шунингдек бу ўзгаришлар қандай тарзда содир бўлишини тушунтирадиган фикрлар.



ва ўрганиш жараёни сифатида дастур ва стратегияни ишлаб чиқиш, бажариш ва баҳолаш, шунингдек таъсирини баҳолашда деталларни чуқурроқ тушуниш учун фойдаланиш мумкин. Ушбу ёндашув моҳиятини мунтазам янгиланадиган схема ва шарҳлар ёрдамида тушунтириш мумкин. Ўзгаришлар назариялари дастур ёки лойиҳани амалга оширишнинг исталган босқичида – ҳам ғояни

шакллантириш босқичида, ҳам лойиҳани амалга ошириш ва яқунлаш ҳамда бажарилган ишни баҳолаш вақтида қўлланилиши мумкин.

Ўн ишлаши, одатга кўра, тadbирдан бошланиб, таъсир билан яқунланадиган, мантиқий тузилган ҳаракатлар занжирига мувофиқ амалга оширилади (1-расм). Бутун занжир аниқ шакллантирилиши керак бўлган тахминлар сериясига асосланади.



2-расм. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида браконьерларнинг сайғоққа таъсири камайишини баҳолаш учун ишлаб чиқилган, ўзгаришлар назариясининг ривожланиш схемаси.

## Мақолалар (давоми)

1-расм. ЎН компонентларининг кетма-кетлик схемаси:



Ўзбекистонда Сайғоқни асраш бўйича альянс иши асосида биз томондан ўзгаришлар назариясининг серияси ишлаб чиқилди. Бунинг учун эксперт фикрлари ва мулоҳазалари, шунингдек Альянснинг стратегик режалари, ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. 2-расмда ҳуқуқни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида браконьерларнинг сайғоққа таъсири камайишини баҳолаш учун ишлаб чиқилган, ўзгаришлар назариясининг ривожланиш схемаларидан бири кўрсатилган. Схемада бажарилган тадбирлардан исталган натижагача бўлган гипотетик йўл кўрсатилган.

Шунингдек тузилма босқичларининг ҳар бири учун тахминлар белгиланди. Тахминлар ўзгаришлар ривожланиш занжирида турли компонентлар ўртасидаги

маълум ўзаро алоқалар кутилишида бизнинг ички мантиқимизни тушунтиради. Идеалда тахминлар илмий тадқиқотлар, амалда ишлатилишининг яхши мисоллари ва эксперт билимлар билан тасдиқланиши керак. Тахминларни шунингдек молиявий база ва вақт мавжудлигига боғлиқ ҳолда, дала тадқиқотлари ёрдамида тестдан ўтказиш мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда Сайғоқни асраш бўйича альянс ишида ўзгаришлар назариясининг қўлланиши ушбу ёндашув потенциалини ўзаро ҳаракат, режалаштириш, ўрганиш ва, айниқса, келажакда ахборот йиғиш ва баҳолаш биринчилигини белгилаш воситаси сифатида намоён қилди. Ўзгаришлар назарияси мунтазам равишда ривожланади, тестдан ўтказилади ва яхшиланади, ҳамда ушбу усулнинг Сайғоқни асраш бўйича альянс томонидан қўлланиши катта истиқболларга эга.

Ҳисоботнинг тўлиқ версияси: <http://www.iccs.org.uk> да

1-чи занжир учун тахминлар:

Код	Тахмин
A1.1	Одамлар ўз жамиятидаги бошқа одамларнинг фикрига бефарқ эмас
A1.2	Ташкилотлар ўртасидаги биргаликдаги ҳаракат қонун ҳужжатларининг ишлашига ёрдам беради
A1.3	Ўқитилган ва жиҳозлар билан таъминланган инспекторлар ўз жиҳозларини браконьерлик ва бошқа мақсадларда ишлатмайди
A1.4	Тайёрлов иштирокчиларининг билимларини чуқурлаштиришга ёрдам беради
A1.5	Ушбу фаолиятнинг нуфузини, ва бунинг натижасида, бу фаолиятни оммалаштириш ҳисобига жамиятда тиришқоқлик билан меҳнат қилиш истагини ошириш
A1.6	Қонун ҳужжатларининг зарур сифатисиз қонунлар қўлланиши учун мотивацияни ошириш мумкин эмас
A1.7	Браконьерлар томонидан фойдаланиладиган восита ва жиҳозларнинг миқдори ва сифати ошмаслиги керак ва шу тарзда “қуролланиш пойгаси” жараёнида устунлик қилмаслиги керак
A1.8	Браконьерлик фаолиятдан олинадиган фойда катта эмас ва бу хатарли ишга қўл уришга арзимайди
A1.9	Браконьерлик билан шуғулланишдан кўра, шуғулланмасликка стимуллар кўпроқ

## Янги нашрлар

**Й. Юргенсен, Д. Г. Дракер, А. Дж. Стюарт, М. Шнайдер, Б. Бувейбаттар, Х. Бохеренс (Jürgensen, J., D.G. Drucker, A.J. Stuart, M. Schneider, B. Buuveibaatar, H. Bocherens). 2017. Турғун изотопларда углерод ва азот нисбатларини ўрганиш ёрдамида кеч тўртламчи даврда сайғоқ озиқланиши ва атроф муҳитидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш. Quaternary Science Reviews. 160: 150-161.**

Сайғоқ (*Saigatatarica*) – шимолий ярим шарда жуда катта майдонларни эгаллаган совуқ ва қурғоқ тундра-чўлларида яшаган плейстоцен даврининг типик намуналаридан бири. Ҳозирги пайтда фақат Евроосиё чўл ва саҳро экотизимларининг катта бўлмаган майдонларида учрайдиган бу тур, йўқ бўлиш хавфи остидадир. Замонавий сайғоқларнинг рационали ва яшаш муҳити ажодларининг озиқланиши ва яшаган жойларидан қанчалик фарқланишини ўрганиш учун олимлар 76та қазилма сайғоқ суяк ва териси намуналари ва 52та яқинда ўлган сайғоқ суяк ва териси намуналарининг коллагенидаги углерод ва азот изотоплари таркибини солиштирди. Тадқиқот натижалари замонавий сайғоқлар, бу ҳайвонлар ўтмишда яшаган кўплаб турдаги яшаш жойларидан фақат биттасидан фойдаланишини тахмин қилишга асос беради. Бундан чиқди, ҳозир яшаётган сайғоқ тури субоптимал яшаш шароитлари билан кифояланишга мажбур бўлган қочоқ бўлган эмас. Кеч плейстоценда сайғоқ тундра-чўлда яшайдиган бошқа туёқлилар каби алоҳида ўринни эгаллаган. Бироқ ушбу тур, кўпроқ шимолий буғуга хос бўлган лишайниклардан ташкил топган озуқага мослашган бўлиши мумкин, бу эса сўнги музлаш авжига чиққан вақтдаги Аляска ва Жануби-Ғарбий Франция ҳудудларида ушбу икки турнинг изотоплари мос келишига олиб келган.



Плейстоцен сайғоқнинг бош суяги, <https://phys.org/news/2017-03-saiga-antelopes-flexible-thought.html#jCp>

Мослашиш хусусияти билан турнинг, ўзгарган шароитлар билан боғлиқ янги жой қидириш тўғрисидаги назария билан келишмайдиган, географик тарқалишини тушунтириш мумкин. Бундан чиқди, сайғоқ ҳозирги пайтда эгаллаётган ўрин, бу ҳайвоннинг потенциал мослашиш хусусиятини ҳисобга олганда – бу йўқолиш хавфи остида бўлган тур муҳофазасини амалга оширишда эътиборга олиниши керак бўлган жуда муҳим омил, у эгаллаши мумкин бўлган ўриндан анча кичик.

**О. В. Сибирякова, И. А. Володин, Роланд Фрей, Штеффен Цутер, Т. Б. Кисебаев, А. Р. Салемгареев, Е. В. Володина, 2017. Сайғоқларда она ва янги туғилган кўзи ўртасида ўзига хос товушли сигналлар алмашиш: катта подаларда кўзилаш даврида алоқа усулими? The Science of Nature. 104: 11.**

Кўзилаш учун сайғоқлар (*Saigatataricatatarica*) катта подаларга тўпланиб, уларда янги туғилган сайғоқлар туғилганидан кейин ҳам қолади. Катта

подаларга йиғилганда уларга йиртқичларга қаршилик кўрсатиш осонроқ, бироқ бунда она ва янги дунёга келган кўзилар ўртасидаги алоқа қийинлашади. Шимолий

Қозоғистонда, бир йўла 30 000та урғочининг бир вақтда қўзилаши қайд қилинганда, антилопалар қўзилаш жойларида бекинаётган қўзилар ёнида ўрнатилган автоматик ёзиш тизими ёрдамида ёзиб олинган сайғоқ овозлари орасидан биз, улар ёрдамида сайғоқчалар ва уларнинг оналари алоқа қилган, бурун ва оғиз товушларининг алоҳида кетма-кетликларини танлаб олдик. Биз 18та урғочининг 168та бурун чақирқ сигналининг, 21та урғочининг 192та оғиз сигналининг, 16та қўзининг 78та бурун сигналининг ва 22та қўзининг 197та оғиз сигналининг акустик тузилмасини солиштириш таҳлилини ўтказдик. Олтита акустик ўзгарувчанга асосланган дискриминант функцияларнинг таҳлили 18та онанинг 99,4% оғиз сигналининг,

18та онанинг 89,3% бурун сигналининг ва 18та қўзининг 94,4% оғиз сигналининг аниқ идентификациялашга имкон берди. Ҳайвонлар чиқарадиган товушларни идентификациялашга имкон берган асосий ўзгарувчан бўлиб, асосий частота ҳамда иккинчи ва учинчи формантлар (товуш резонаторлари) хизмат қилди. Она сайғоқлар ва уларнинг қўзиларининг овозларини идентификациялашнинг юқори даражаси сайғоқлар зич тўпланган подаларда она сайғоқлар ва уларнинг қўзилари ўртасида товушли сигнал алмашиш ва уларни таниш қобилияти ҳайвонларнинг омон қолиш стратегиясининг муҳим компоненти ҳисобланади деб тахмин қилишга имкон беради.

## Сайғоқни асраш – ҳаётларининг иши

*Бугун биз Бутун жаҳон табиатни муҳофаза қилиш фонди мўғул дастурининг директори Буяна Чимеддорж билан суҳбатлашамиз. Чимеддорж 10 йилдан ортиқ Мўғулистондаги турли табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларига раҳбарлик қилади, бироқ, сайғоқ унинг ҳаёти ва профессионал ишида алоҳида ўрин эгаллайди.*



**Муҳбир:** Сайғоққа нисбатан Сизда қачон илк қизиқиш уйғонган?

**Б.Ч:** Мен қўл урилмаган жойлари кўп ва бой биоҳилма-хилликка эга бўлган Фарбий Мўғулистондаги Увс провинциясида туғилиб ўсганман. Ана ўшанда менда табиатга қизиқиш ва меҳр уйғонган. Секин-аста қизиқишим шунчалик ортдики, мен

мўғул сайғоғи ва мамлакатимда йўқолиш хавфи остида бўлган бошқа кам учрайдиган ҳайвонларга қизиқиб, Мўғулистон Миллий Университетида биологияни ўрганишга қарор қилдим.

**Муҳбир:** Сайғоқни муҳофаза қилиш соҳасида қачондан ишлай бошладингиз?

**Б.Ч:** 2005 й. WWF мўғул бўлими мендан ҳомий ташкилот вакилига сайғоқни асраш бўйича лойиҳа натижаларини тақдим этишимни сўради. 2006 й. мени яна таклиф қилишди, бу сафар Фарбий Мўғулистондаги Катта кўллар ҳавзасида мўғул сайғоқ популяциясини тиклаш бўйича лойиҳани техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш учун. Бунинг учун менга экология ва шу ҳайвон биологияси, табиат муҳофазаси ва табиат ресурсларини бошқариш соҳасида ўз билимларимни кенгайтириш зарур бўлди. Ишимнинг натижаларига асосан WWF мўғул бўлими мўғул сайғоғини асраш бўйича дастурни амалга ошириш учун

MAVA фонди томонидан йирик маблағ жалб қилинишига эришди.

**Муҳбир:** *Сизнинг оддий кунингиз қандай ўтади?*

**Б.Ч:** Менинг мажбуриятларимга сайғоқни муҳофазаловчи инспекторлар командасининг ишини мувофиқлаштириш ва маслаҳат бериш, мониторинг ва табиат муҳофазаси фаолиятини ташкиллаштириш киради. Яхши натижаларни таъминлаш учун, мен табиат ресурсларини бошқариш соҳасидаги олимлар, инспекторлар, мутахассисларнинг аҳил жамоасини яратишим зарур эди. Биологик қисмдан ташқари, мен тадбирларни режалаштириш, бюджетни бошқариш ва лойиҳа ҳисоботларини ёзиш учун масъулман, бу ҳам муҳим деб ўйлайман.

**Муҳбир:** *Ўз ишингизда Сиз қандай фундаментал муаммоларга дуч келасиз?*

**Б.Ч:** Мўғул сайғоғи – ўта нозик кенжа тур. 2014 й. популяция сони тахминан 15 000 бошни ташкил этарди, аср бошида эса ҳайвонлар сони ҳатто 750гача камайиб кетганди, бунга 2001-2002 йй. қахратон қиши сабаб бўлганди. Браконьерлик ва нолегал шохлар савдоси, уй ҳайвонлари билан ҳудуд учун рақобат, иқлим ўзгариши ва транспорт инфратузилмасининг таъсири сайғоқ учун асосий хавф ҳисобланади. Яна бир ачинарли факт мавжуд. Мўғул сайғоғи авж олган peste-des-petits-ruminants (PPR) эпизоотияси – хавфли вирусли касаллик туфайли хавф остида.

**Муҳбир:** *Сайғоқни асраш муаммосини қандай ҳал қилиш мумкин?*

**Б.Ч:** Иқлим ўзгаришининг сайғоқларга ҳам, маҳаллий чорвадорлар ҳаётига ҳам кучайиб бораётган таъсири шароитида, энг аввало, яйловлардан фойдаланишни назоратга олиб, уй ҳайвонларининг сонини қисқартириш зарур. Уй ҳайвонларининг сонини қисқартириш учун чорвачилик (масалан, гўшт ва тери) маҳсулотлари бозорининг имкониятларини ўрганиш/ривожлантириш керак. Бундан чиқди, атроф муҳитга зарар етказмайдиган ва чорвадорларнинг манфаатларини

чекламайдиган, яйловларни бошқариш бозор ёндашув/усулларини синаб кўриш учун қўшимча маблағ олинишини осонлаштириш зарур. Ундан ташқари, атроф муҳитга зарар етказмасдан яйловларни бошқариш усули алоҳида ҳудудларда қўлланыпти ҳам; Дарви ва Дургун (Шаргин-Гоби, Дургун чўли) аҳолиси одамлар, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар учун сув манбаи бўлиб хизмат қиладиган тўртта қудуқни тиклади. Бу сайғоқнинг асосий яшаш жойларида сув манбаларини очиш учун кураш қизғинлигини пасайтирди, бироқ, бутун сайғоқ ареалида муаммони ҳал қилиш учун бу маҳаллий тусдаги ташаббуслар етарли эмас.

Биз сайғоқни асраш бўйича инспектор-волонтерлар тармоғи (SRN) ва мобил анти-браконьерлик гуруҳларининг (MAPU) ишини, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлашни давом эттиришимиз керак. Браконьерлик ва шохлар савдосига оид вазият аввалгидек ҳал қилинмаган бўлиб қолмоқда, сўнгги бир неча йилларда қайдланган браконьерлик ҳолатларининг сони билан тасдиқланади. Асосий вазифаси чорвадорларда яйловлардан оқилона фойдаланиш қанчалик муҳимлиги ҳақидаги тушунчани ривожлантириш бўлган, билим берувчи ва ижтимоий-маърифий дастур ишлаб чиқиш зарур. Браконьерлик ва нолегал сайғоқ дериватлари савдосига ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Тур омон қолишини таъминлаш учун ҳудудда биттадан кўп популяция яшаши жуда муҳим бўлиб, бу қандайдир биргина ҳалокат (қахратон қиш ёки инфекция) популяциялардан бирини тўлиқ йўқ қилса, ҳайвонни асраб қолишга имкон беради. Бундан чиқди, биз мўғул сайғоғи омон қолишига имкон берадиган метапопуляцион тузилма яратишимиз учун унинг олдин яшаган жойларида сайғоқ популяциясини тиклашимиз керак.

**Муҳбир:** *Ишингиздаги нима Сизга ҳамма нарсадан кўпроқ ёқади?*



Мечение сайгаков спутниковыми ошейниками  
© Б. Батсакхан

**Б.Ч:** Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига маҳаллий жамиятдан, айниқса чўпонлар орасидан манфаатдор шахсларни жалб қилиш жуда муҳим. Биргаликда режалаштириш ва қарор қабул қилиш ҳам жуда муҳим ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг якуний ижобий натижаларидан кам бўлмаган мамнунлик ҳиссини беради.

**Муҳбир:** *Хавф остидаги турларни ўрганиш ва асраш соҳасида иш даврингизда нималар ўзгарди? Бугун бу соҳада қандай тенденциялар кузатилмоқда?*

**Б.Ч:** 1998 й. бошлаб, МАВА фонди ва бошқа ташкилотларнинг молиявий кўмагида WWF мўғул бўлими сайгоқни асраш бўйича бир нечта лойиҳани яқунлаб, улар натижасида сўнгги икки ўн йилликда, узоқ вақт давомида биринчи бор, сайгоқлар популяцияси кўпая бошлади. Вазият умид беради деса бўлади, бироқ, шу даврда яратилган фундамент ҳали жуда омонат, ва қишлоқ хўжалигининг ақлсиз олиб борилиши, сайгоқ шохларига катта талаб, касалликларнинг авж олиши, табиат офатлари ва билимлар мавжуд эмаслиги каби кўплаб ташқи хавфлар барча аввалги ютуқларни осонгина йўққа чиқариши мумкин.

**Муҳбир:** *Ҳозирги пайтда содир бўлаётган, мўғул сайгоғининг ўлатдан нобуд бўлиши ҳақида нима деб ўйлайсиз, ва бу ҳайвонни йўқ бўлишдан қутқариш учун нима қилиш зарур?*

**Б.Ч:** Майда қавш қайтарувчи ҳайвонлар ўлатининг эпидемиологияси ва унинг ҳаво орқали тарқалиш характерини эътиборга олиб, айтайлик, бир неча юз зотдан иборат сайгоқ подасида илк ҳолат қайдланган пайтдан бошлаб камида 3 ой давомида вирус тарқалади деб тахмин қилиш мумкин, бизнинг ҳолатда баҳор охиридан олдин эмаслигини билдиради. Бундан чиқди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ва касаллик авж олган вақтда назоратни кучайтириш асосий превентив чоралар ҳисобланади, чунки браконьерлар ва шох йиғувчилар ялпи ўлим пайтида фаоллашиб, вазиятдан фойдаланган ҳолда, сайгоқ шохлари ва бошқа қимматли тана қисмларини қўлга киритади. Ўлатдан нобуд бўлган ҳайвон жасадларининг қисмларини йиғиш ва транспортда ташиш касаллик тарқалишини тезлаштиради ва унинг янги ҳудудларга киришига имкон беради. Бундан ташқари уй ҳайвонларининг вакцинациясини ўтказиш ва мунтазам равишда жорий вазиятни мониторинг қилиш зарур.



Обучение инспекторов методам учета сайгака  
© Б. Бувейбатар

## Миннатдорчиликлар

Биз Сайғоқни асраш бўйича альянс ишларини қўллаб-қувватлаб, пул хайр-эҳсон қилган ва вақтини сарфлаган барчага чуқур миннатдорчилик билдирамыз. Биз WCN ходимлари ва волонтерларидан уларнинг мунтазам ёрдами учун,

шунингдек АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг аҳолисидан уларнинг сайғоқни асраш фондига қилган хайр-эҳсонлари учун миннатдормыз. Биз, шунингдек, WCN ва WWF-Мўғулистонга бу сон чиқишига қўмаклашгани учун миннатдорчилик билдирамыз.



Она сайғоқлар болалари билан Степной заказнигидаги сувлоқда © Е. Полонский



SAIGA CONSERVATION ALLIANCE

Saiga Conservation Alliance  
[www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com)

Saiga Resource Centre:  
[www.saigaresourcecentre.com](http://www.saigaresourcecentre.com)

Email: [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com)

©Saiga Conservation Alliance 2017 /  
Registered charity England and Wales

© Andrey Gilyov  
& Karina Kareina